

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УДК 334.336

Қўлёзма ҳуқуқида

БАЗАРОВ ЗАКИР ХОНҚУЛОВИЧ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДА СУҒУРТА
КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

5A231201 – Суғурта иши

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Проф. Имомов Ш.Б.

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА:

	КИРИШ	3
I БОБ.	СУҒУРТА ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ УМУМИЙ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1.	Молиявий тизимда инвестиция ва суғуртанинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда унинг макроиқтисодий ўрни.....	8
1.2.	Суғурта ташкилотларини хорижий инвестициялар асосда ривожлантиришнинг моҳияти	15
1.3.	Ўзбекистон шароитида суғурта ташкилотларини хорижий инвестициялар асосида ривожлантиришнинг ҳуқуқий- иқтисодий асослари.....	23
	I боб бўйича хулоса	30
II БОБ.	СУҒУРТА ТИЗИМИГА ТАЪСИРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ	32
2.1.	Хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон суғурта бозоридаги ўрни ва аҳамияти.....	32
2.2.	Хорижий инвестицияларнинг суғурта компанияларининг умум иқтисодий-молиявий фаолиятига таъсири таҳлили.	42
2.3.	Хорижий инвестицияларнинг суғурта компаниялари асосий фаолиятига таъсири ва ривожланиш тенденциялари.. ..	55
	II боб бўйича хулоса	70
III БОБ.	ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ ЎЗARO САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ	72
3.1.	Хорижий инвестиция иштирокида суғурта компанияларининг илғор жаҳон тажрибаси.....	72
3.2.	Хорижий инвестиция иштирокида суғурта ташкилоти фаолиятини такомиллаштиришнинг истиқболли йўллари.	80
	III боб бўйича хулоса	92
	Хулоса	94
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	98
	Иловалар	103

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта компанияларини ташкил этиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини ошириш, капитал, ишчи кучи, маҳсулот эхпорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятларни рисклардан ҳимоялашга, шунингдек, у хар бир субъектнинг ўз фаолиятини кенгайтиришга, инвестицияларни ишончли жойлаштиришга, кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

2014-йил 1-январ ҳолатига кўра, 32 та суғурталовчи компаниялар рўйхатдан ўтиб Ўзбекистон суғурта бозори таркибида фаолият кўрсатмоқда¹.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, айниқса, хусусий секторни ривожлантирар экан, инвестицион фаолиятни жадаллаштиришдаги халқаро тажрибаларга суянмоғи лозим. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил ва нуфузли тарзда кириб бораётганлиги мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий соҳаларидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилиниши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”².

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юртимизга замонавий технологиялар олиб келиб, саноат ишлаб чиқаришини янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини олиб боришни инвестиция фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ишларни амалга ошириш бўйича ҳукуматимиз томонидан катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Хориждан жалб

¹www.insurance.uzreport.uz маълумотлари асосида

²Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2010.

килинадиган инвесторлар учун турли кафолатлар берувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар яратилди. Шунингдек улар мамлакат иқтисодий ривожлана бориши билан такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда “Яқин беш йилда жалб этиладиган капитал қўйилмалар ҳажми 2,2 марта, шу жумладан, хорижий инвестициялар миқдори 2 марта ўсиши кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар иқтисодийтимизда жиддий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, етакчи саноат тармоқларини модернизация қилиш бўйича кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилад³. Бундай шароитда суғурта ташкилотлари инвестицион фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур муаммолар қаторига инвестицион фаолиятни молияштириш манбалари, таркиби, молиялаштириш манбаларининг диверсификациялаш даражаси ва суғурта компаниялариинвестицион фаолиятини амалга ошириш учун сарфланган маблағларнинг самарадорлигини оширишни киритиш мумкин.

Тадқиқотнинг объекти ва предметининг белгиланиши. Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари фаолияти танлаб олинди.

Тадқиқот предмети бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта компанияларида фаолиятига қаратилган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади Республикада хорижий инвестицияси иштирокида ташкил этилган суғурталовчилар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида суғутачилар фаолиятини жадал суратларда ривожлантириш мақсадида хорижий инвесторлари маблағларидан кенг қўламда фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу билан бирга хорижий инвестициялари

³Ўзбекистон республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари: ҳамда 2011-2015-йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

иштирокида ташкил этилган суғурта компаниялари фoлиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилганасосий усул ва тамойилларини ёритиш, уни такомиллантириш йўналишларини аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

- ✓ Ўзбекистон иқтисодиётнинг ривожланишни таъминлашда суғуртани ўрни ва аҳамияти;
- ✓ Мамлакат суғурта компанияларига хорижий инвестициялар жалб қилини роли;
- ✓ Хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари назарий-ҳуқуқий асослари;
- ✓ Суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш истиқболлари;
- ✓ Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Республикамиздаги суғурта компаниялари фаолияти таҳлили;
- ✓ Хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган компаниялар фаолияти таҳлили;
- ✓ Суғурта ташкилотларга хорижийинвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўллари;
- ✓ Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб тегишли таклиф ва тавсияларни бериш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўлланиши хорижий инвестициялар иштирокидаги суғурта компаниялар фаолиятини ривожлантириш такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни модернизациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунда суғурта фолияти ва бу фаолиятни ривожлантириш масалаларига қаратилган муаммолари ечимига бағишланган ишлар қаторига қуйидаги олимларни:

Х. Шеннайев, С. Ширинов, Т. М. Баймуратов, М. Аминжонова, М. Ходжайева, А. Ядгаров, Н. Каримов, Н.Г. Адамчик, Р. Т. Йўлдашева, И. Алтинникова, И. Т. Балабанов, А. П. Архипов, В.Б.Гомеллия, Ф. И. Белокенева ва бошқаларнинг илмий асарларини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда инветициялар ва инвестиция фаолиятини молиялаштиришга бағишланга масалалар И.Каримов асарларида, шунингдек, А.Ваҳобов, Ё.Абдуллаев, М.Ангелиди, М.Шарифхўжаев, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Ҳ.Жамолов, Н.Ҳайдаров, Ф.Додиев, Н.Қўзийева, О.Собиров, Ғ.Шомийев, Қ.Ҳошимов, А.Сиддиқов, Е.Носиров, Д.Хўжамқулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертацияда илмий билиш, таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил, тизимли ёндашув ва гуруҳлаш каби усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистонда хорижий инвсетицияси иштирокидаги суғуртачилар инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, хорижий инвестиция иштирокидаги суғуртачилар фаолиятини такомиллаштиришнинг асосини ва амалий жиҳатларини батафсил тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Жами 103 бетни ташкил етган диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш қисми, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унда 24 та расм ва 2 та илова келтирилган.

I боб Суғурта ва инвестицион фаолиятнинг умумий назарий-услубий асослари

1.1. Молиявий тизимда инвестиция ва суғуртанинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда унинг макроиктисодий ўрни

Бозор муносабатларига ўтиш – ҳозирги кунда МДХ давлатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг асосий мазмунини ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эғалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади. Шу борада муҳим масалалардан бири: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришдир. Мамлакатимизда молиявий муносабатларини такомиллаштириш муҳим аҳамияти эга. Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда бўлиб, инвестицияларни жалб этиш ва бошқа молия муносабатларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Молия – бу давлат томонидан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларни бажариш учун мўлжалланган умумдавлат пул фондларини шакллантириш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатларини йиғиндисидир. Маълумки, молия тизими молия муносабатларинингқуйидаги сохаларини ўз ичига олади: давлат бюджети, нобюджет фондлар, давлат кредити, мулкӣ ва шахсий суғурта фондлари, фонд бозори, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар молияси.

Пул фондларини ташкил қилиш ва ишлатиш шакиллари ва усуллари молия тизимининг кредит ва суғурта бўғинлари орқали қўлланаилади.

Марказлашмаган пул фондлари корхоналарни ўзларининг пул даромадлари ва жамғармалари ҳисобидан ташкил топади. Суғурта иқтисодий категори сифатида молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо, молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғлиқ бўлса, суғурта эса фақатгина қайта тақсимлаш муносабатларигина қамраб олади. Суғуртанинг хусусиятларини очиб берувчи белгиларни қуйидагича келтиришимиз мумкин:

1. Суғуртада тўсатдан, олдиндан кўзда тутилмаган енгиб бўлмайдиган ҳолатлар, яъни суғурта ҳолатлари эҳтимоли мавжудлиги билан асосланувчи қайта тақсимлаш пул муносабатларини юзага келади.

2. Суғуртада кўрилган зарарни суғурта иштирокчилари, яъни суғурталанувчилар ўртасида қоплаш амалга оширилади. Зарарни бундай қоплаш усули зарар кўрувчи хўжаликлар сони доим суғурта иштирокчилари сонидан кам бўлиш эҳтимоллигига асосланади, айниқса иштирокчилар сони етарлича ката бўлганда.

Суғурта иборасининг бирламчи маъноси «кўрқув» («страх») сўзи билан боғлиқдир. Мулк эгалари бир-бирлари билан ўзро иқтисодий муносабатларига киришар еканлар, мулкнинг сақланишига, табиий офатлар, ёнғин, ўғирлик ва ҳаётда бошқа кўзда тутилмаган хавф-ҳатарлари натижасида яқсон бўлиши ёки йўқотилишига нисбатан кўрқув ҳис етганлар.

Жамиятда дастлабмулк эгаси ва товар ишлаб чиқарувчилар ҳар ҳил табиий офатлар натижасида моддий зарарни манфаатдор мулк эгалари ўртасида биргаликда қоплаш ғояси юзага келди.

Ривожланган жамият шароитида суғурта мулкчиликнинг барча шакллари, корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар даромадлари ва бошқа манфаатлари ҳимоясининг асосий воситасига айланди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини узлуксизлигини таъминлашда ва аҳолини бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилишда суғуртанинг ўзига ҳос муҳим ўрни бор. Суғурта ишлаб чиқаришнинг зарур унсурларидан бири сифатида бозор иқтисодиётига

Ўтишнинг муҳим иқтисодий дастакларидан ҳисобланади. Суғурта бозори мулкчиликнинг деярли барча шакллари табиий офатлардан сақлашда, ҳилма-ҳил фалокатлар натижасида одамларга етказилган зарарларни қоплашда моддий жиҳатдан ёрдам беради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётга, молия, пул муомаласига ўз таъсирини кўрсатди, иқтисодий қарашларда ижобий фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Эндиликда ҳар бир хўжалик объектининг ташкилотчиси ўз ихтиёридаги мол-мулкдан самарали фойдаланиш учун фидокорона ҳаракат қилиш билан чекланиб қолмай, ғавқулодда ва тасодиғий зарарларнинг натижасида етказилиши мумкин бўлган камомадларни тиклаш, уларнинг олдини олиш тадбирларини кўришга ҳам интиломоқда. Шунинг натижасида иқтисодиётини модернизациялаш шароитида миллий ва хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта компаниялари фаолиятига бўлган талаб кучая бормоқда.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари билан бевосита боғланган. Шундай экан ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатган табиий офатлар бозор иқтисодиёти йўналишларини четлаб ўта олмайди. Хорижий инвестицияси иштирокидаги ва миллий суғурта компаниялари кўп тармоқли хўжаликларнинг мол-мулкини сақлашда ва тиклашда алоҳида аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақиллик йилларида суғурта соҳасида қуйидаги сифат ўзгаришлари содир бўлди:

✓ суғуртани бошқаришда марказлашган тартиб ўрнига марказлашмаган тартиб жорий қилинди. Мустақил суғурта тизими барпо қилинди. Суғуртани бошқариш республика миқёсида амалга ошириладиган бўлди. Улар Ўзбекистон Молия вазирлиги таркибидан чиқиб, давлат бош ислохотчи бўлгани ҳолда “Ўзагросуғурта”, “Кафолат” каби давлат акционерлик суғурта компанияларига айлантирилди. “Мадад” суғурта агентлиги, “Ўзбекинвест” ЕИМСКлари ташкил этилди. Ҳозирда Республикамизда 32 та суғурта компаниялари, 2 та суғурта брокерлари

(GrECo JLT va Insuring Brortrs Servis), 5 та ассистант хизматлари (Bovar Service, Global Assist, Insurance Assist Group, Intertich va O'zbekinvest Assistans), 1 та уюшма (Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси), 2 та актуарийлар (Actuarial Advisers va Actuarial Service Bureau), 3 та аджастерлар (ASCON SERVICE, Bovar service va Claim Adjusters&Surveyor's Services\CASS) ва 35 дан ортиқ суғурта хизматлари мавжуд⁴;

✓ алоҳида 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган “Суғурта фаолияти тоғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унда Республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинди;

✓ хорижий мамлакатларда суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш кучайди, улар иштирокида кўшма суғурта компаниялари барпо қилинди. Республика суғурта ташкилотлари жаҳон суғурта ташкилотлари қаторидан жой олди;

✓ суғурта маблағларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш асосида уларнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Хорижий мамлакатлар маблағларидан инвестиция мақсадларида фойдаланишда суғурта ташкилотларининг воситачилик роли вужудга келди;

✓ суғурта ташкилотлари билан кредит муассасаларининг ҳамкорлиги кучайди. Корхоналар томонидан банкдан олинган қарзларни ўз вақтида қайтаришга қаратилган суғурта фаолияти кенгайиб борди;

✓ олдинги йилларга нисбатан мажбурий суғурта доираси қисқариб. Ихтиёрий суғурта тадбирлари кенгайди;

✓ суғуртанинг халқ фаровонлигини яхшилашдаги ролига алоҳида аҳамият берилди бошланди. Шу муносабат билан индексация тадбирлари ўтказилди. Ихтиёрий шахсий суғуртанинг шартлари кўпчилик ҳолларда қайтадан кўриб чиқилди, турар жой, уй-рўзғор, кўшимча пенсия, томорқа

⁴ www.insurance.uzreport.uz маълумотлари асосида

суғуртаси ва бошқа суғурта хиллари ўзгартирилди ва янгилари жорий қилинди;

✓ бозор иқтисодиётини амалга оширишда тадбиркорликнинг муҳим аҳамиятига алоҳида эътибор берилиб, суғуртанинг янги хилларини амалга оширишга киришилди;

✓ мустақиллик йилларида жавобгарлик суғуртасининг айрим хиллари жорий қилинди, шунингдек гаровга қўйилган мол-мулк суғуртаси ҳақида алоҳида дастури амаллар қабул қилинди.

✓ суғурта фаолияти билан қимматли қоғозлар бозори ўртасида тегишли муносабат ўрнатилди. Суғурта ташкилотлари ҳам ўз қимматли қоғозларини тарқатиш ҳуқуқига эга бўлдилар ва шу асосда акциядорларнинг ҳуқуқлари белгиланиб, уларнинг идора қилиш усуллари аниқланди;

Суғурта иқтисодий категория сифатида молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо, молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғлиқ бўлса, суғурта эса фақатгина қайта тақсимлаш муносабатларинигина қамраб олади.

Суғуртада тўсатдан, олдиндан кўзда тутилмаган ва енгиб бўлмайдиган ҳолатлар, яъни суғурта ҳолатлари эҳтимоли мавжудлиги билан асосланувчи қайта тақсимлаш пул муносабатлари юзага келади.

Зарарни бундай қоплашни ташкил қилиш учун мақсадга йўналтирилган суғурта фонди ташкил қилинади. Бу фонд суғурта иштирокчиларининг бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Суғурта фондининг маблағлари фақатгина уни ташкил қилганлар ўртасида ишлатилади, суғурта бадалининг ҳажми эса ҳар бир қатнашчининг зарарни қоплашдаги улушини билдиради. Шунинг учун, суғурта қатнашчиларининг доираси қанчалик кенг бўлса, суғурта бадалининг ҳажми шунчалик оз ва суғурта ҳам самарали бўлади.

Суғурта зарарларни қоплашни ҳудудий бирлик ва маълум вақт давомида амалга оширишни кўзда тутди. Бунда йил давомида суғурталанувчи хўжаликлар ўртасида суғурта фондини ҳудудлар бўйича

самарали қайта тақсимлаш учун етарлича катта ҳудуд ва анчагина суғурталашга тегишли объектлар талаб қилинади. Фақатгина мазкур шартга риоя қилиш билангина катта ҳудудларни қамраб олувчи табиий офатлар етказган зарарларни қоплаш имкони бўлади.

Зарарни суғурта ёрдамида қоплаш маълум вақт давомида амалга оширилади, чунки ихтиёрий суғурта доимо муддат билан чегараланади.

Демак, суғурта – бу ҳар хил нохуш ходисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқороларнинг ҳаётида тегишли суғурта ходисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкӣ, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида суғуртага қуйидагича таъриф берилган:

“Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”. Бундан кўриниб турибтики, суғурта хизматларни кўрсатиш бепул амалга оширилмайди. Юридик ва жисмоний шахслар ўз манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилмоқчи бўлсалар, суғурта шартномаси асосида суғурта ташкилотига суғурта мукофоти яъни хизмат ҳаққини тўлайдилар. Суғурта ташкилотининг ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотининг катта қисми махсус мақсадга мўлжалланган пул фонди-суғурта фондида йиғилади. Суғурта фондидаги пул маблағлари суғурта ҳодисаси содир болиши натижасида корхона, ташкилот ёки фуқорога етказилган зарарни қоплаш учун ишлатилади.

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятига унинг функциялари мос келади. Улар суғуртани молия тизимининг бир бўғини сифатида хусусиятларини ойдинлаштиришнинг ташқи шакллари ҳисобланади.

Рискдан ҳимоя суғуртанинг асосий функциясиларидан ҳисобланади, чунки суғуртавий таваккал зарар эҳтимоллиги сифатида талофат кўрган хўжаликларга пуллик ёрдам кўрсатиш бўйича суғуртанинг асосий йўналиши билан бевосита боғлиқ. Айнан шу функциясининг амал қилиш доирасида суғурта иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган суғурта ходисалари оқибатлари билан боғлиқ пул шаклидаги қийматнинг қайта тақсимланиши рўй беради.

Суғурта компанияси бўш пул маблағларини қонун доирасида иқтисодиётнинг турли хил тармоқларига йўналтириб фойда олиши кўзда тутилади.

Ҳаёт суғуртасида суғурта категорияси кредит категорияси билан ҳаётни маълум муддатгача суғурталаш шартномалари бўйича маблағларни жамғаришда анча яқинлашади ҳаёт суғуртаси орқали пул маблағларини жамғариш оилавий шароитда суғуртавий ҳимояга бўлган еҳтиёж билан боғлиқдир. Шу билан суғурта жамғариш функциясини ҳам бажариши мумкин.

Суғуртанинг функциялари суғурта фондини қатъий мақсадли шакллантирилиши ва унинг маблағларидан тўғри фойдаланишдан иборат. Мазкур функциялар юқоридаги суғурта муносабатларида улар билан бирга намоён бўлади. Функцияларига мос равишда қонунчилик ва инструктив ҳужжатлар асосида суғурта амалларини тўғри бажарилиши устидан молиявий суғурта назорати амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта корхона ва ташкилотларнинг мулкый манфаатларини ишончли ҳимоя етувчи самарали восита сифатида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция суғурта тузилишининг асосий функциялардан биридир. Унинг макроиқтисодий салоҳияти ўрни суғурта активлари, хусусиятлари

инвестиция ресурсларнинг мажмуаси ҳамда диверсификасияси (тармоқ, ҳудудлар бўйича) билан баҳоланади. Зеро суғурта тушунчалари канча кўпаса суғурта тузимининг салоҳияти ҳам шунчалик ошади. Бундан ташқари суғурта тузилишининг инвестицияни макроиқтисодий ўрни ҳам суғурта тузимлари ва суғурта инвестицияларнинг ресурслари йиғиндисининг камраб ички ялпи маҳсулотлари улуши ва унинг динамикаси таҳлили асосида аниқланади.

1.2.Суғурта ташкилотларини хорижий инвестициялар асосда ривожлантиришнинг моҳияти

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбек” модели “очиқ эшиклар” сиёсати, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўлиши асосига қурилмоқда. Бунинг негизида ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилиши ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда хорижий сармояларини жалб этиш назарда тутилган. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб юртбошимиз И.Каримов барчанинг эътиборини хорижий сармоядорлар билан алоқа ўрнатишга, уларнинг ишончини қозонишга ва иқтисодиётимизга доимий равишда хорижий капитали оқимини кенгайтириб бориш ғоясини илгари сурдилар.

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг бошлариданоқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича илдам қадамларни ташлади. Бу ҳаракатлар вақтинчалик ёки мавсумий бўлмасдан, доимий эътиборни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланадики, Президент Ислам Каримов бу соҳага жиддий эътибор қаратиб: “Бизнинг доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатларимизни талаб қилувчи масалалардан яна бири - иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласидир”⁵, - деб таъкидлаб ўтдилар. Албатта, бу масалалар бизнинг доимий диққат марказимизда туради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу борада тегишли шарт-шароитлар яратилган.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни ҳам ўсишини таъминлади. Буни исботи тариқасида, биргина “Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар

⁵ Президент Ислам Каримовнинг 2001-йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002-йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2002- йил, №34,1-б.

миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб етилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил етди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди”⁶.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини, хусусан, суғурта компанияларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли ҳил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, хорижий инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг устивор тармоқларига ва суғурта компанияларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Хорижий инвестицияларни Республика суғурта ташкилотларига жалб этиш учун мавжуд шарт-шароитлар яратилиши зарурдир, хорижий инвестиция, қачонки, қайси давлатда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд бўлсагина ўша давлат иқтисодиётига қўйилиши мумкин. Республикада сиёсий, иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали эканлиги хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Қулай инвестиция муҳити хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асоси саналади (1-расм).

⁶Каримов И.А.: “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом еттириш”. “Халқ сўзи” газетаси 2013-йил, 19-январ сони.



1-расм. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар⁷

Ўзбекистон суғурта компанияларига хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қуйидагилардан иборат:

✓ мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

✓ гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда хорижий инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

✓ хорижий инвестициясини жалб этувчи суғурта компаниялари учун имтиёзларни кенгайтириш;

✓ инвестиция лойиҳаларини суғурта ташкилотлари имкониятларни ҳисобга олиб, халқаро молия институтларининг республикада очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

⁷Ергашева Ш., Узоқов А.: “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисодиёт”, 2009.

✓ хорижий инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Хорижий инвестицияларни суғурта компанияларига жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

✓ ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

✓ Республика суғурта тармоқларига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

✓ Республикада фаолият юритаётган хорижий инвестицияси иштирокида ташкил этилган суғурта компаниялари ривожланишига ҳисса қўшаётган хорижий сармоядорларга нисбатан иқтисодий рағбатлантириш тамоилларини қўллаш.

Хорижийлик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги суғурта ташкилотларига инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

❖ Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган суғурта ташкилотларига устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

❖ компания мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

❖ интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, фойдали моделлар, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

❖ суғурта ташкилоти объектларига, биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодиёт тармоқларига ва суғурта компанияларига инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни суғурта соҳасига жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Булардан:

- улуш қўшиб қатнашиши орқали суғурта компанияси ташкил этиш;
- йирик хорижий суғурта компанияларнинг филиалларини ташкил этиш;
- консессия ва лизинг шарномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш;
- суғурта ташкилоти тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;
- қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;
- мулк ҳуқуқини, шу жумладан, суғурта компанияси жойлашган ер участкаларига, объектларга, шунингдек бошқа ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта компаниялар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан тўлалигича фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта компаниялар деганда аксияларининг (улушлари,

пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини хорижий инвестициялари ташкил этадиган компаниялар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар.

Хорижий инвестициялари иштирокидаги компания уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари хорижий инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган компания иштирок этиш улушини (пайини, аксияларини) ёхуд бундай компанияни бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин.

Хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта компанияси давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта компанийларини ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта ташкилоти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хорижий инвестициялари иштирокидаги компания шўба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта компанияси ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уюшмалар, консернлар, корпорациялар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари ташкил этиши, амал қилиб турган бирлашмалар таркибига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

Хорижийлик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Хорижий инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

Хорижий инвесторлар билан суғурта компаниялари ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатиз, ҳаридор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга хорижий илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Республика суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги суғурта компаниясининг қайта тиклашга ёки қайта жиҳозлашга, тармоқда моддий техника базасининг ўта паст бўлмаслиги ва зарар кўриб ишлаётган компанияларнинг мавжудлиги, республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги, аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги, уларни иш билан таъминлаш зарурлиги билан изоҳланади.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида ҳукумат томонидан иқтисодиётга ва шу билан бирга суғурта соҳасига хорижий

инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш таъминлари ишлаб чиқилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларини кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш, республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган Хорижий инвестицияларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш ва маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жойлаштириш таъминлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта ташкилотларини хорижий инвестициялар бир қанча йўналиш асосида амалга ошади. Хориждан реал секторга кириб келаётган тўғридан тўғри инвестициялар сиёсий, мулкӣ ва ташқи комплекс суғурталаш орқали суғуртавий ҳимоя асосида суғурта суғурта салоҳиятини оширишини кўриш мумкун. Қайта суғурта тизими фаол қатнашишлари мумкун. Суғурта соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва жорий халқаро операсиялар бўйича миллий валютанинг конвертасия қилиниши таъминланди, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш асосида, бу фаолиятларни тартибга солувчи қонунлар яратилди. Божхона кодекси, Солиқ кодекси, валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди, шунингдек, хорижий инвестицияларини иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун турли имтиёзлар яратилди.

1.3.Ўзбекистон шароитида суғурта ташкилотларини хорижий инвестициялар асосида ривожлантиришнинг ҳуқуқий-иқтисодий асослари

Мамлакатда фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қилишга солиш учун уларни тартибга келтириш, яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳатти-ҳаракат қилиш доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигича суғуртага ҳам тааллуқлидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустақамланишни талаб этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади.

Хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта компанияларида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек, мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта ташкилотларидаги ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- суғурталанувчи ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланадиган ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- суғурталанувчилар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар.

Суғурталанувчилар ва хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта ташкилотлари ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар тегишли шартнома қоидаларига асосланади. Бунда бир томондан суғурта ташкилотининг суғурталанувчи олдидан, иккинчи томондан суғурта

қилдирувчининг суғурта ташкилоти олдидаги бурч ва мажбуриятлари пайдо бўлади. Яъни тузилган шартномага кўра, суғурталанувчи ўз вақтида суғурта мукофотини тўлаши шарт. Суғурта ходисаси рўй берганда эса, суғурта ташкилоти суғурта шартномасида қайд этилган шарт ва муддатларда суғурта қопламасини фуқарога тўлаб бериши лозим. Кўриниб турибдики шартнома ҳуқуқий ҳужжат сифатида тарафларнинг ўзаро муносабатини тартибга солади.

Хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта ташкилотларининг бир-бирлари ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлари суғурта пулини ва қайта суғурта қилиш билан боғлиқ тузилган шартномалар доирасида шаклланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суғурта ташкилоти молиявий барқарорликни таъминлаш, бинобарин, суғурталанувчилар олдида ўз мажбуриятини бажаришини таъминлаш мақсадида суғурта пулида иштирок этиши ёхуд бошқа суғурта ташкилотлари ёки ихтисослашган қайта суғурта ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга кириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 959-моддасида “Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин” деб алоҳида қайд этилган.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Махсус ваколатли органнинг

суғурта ташкилотларига нисбатан пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Респубҳкасининг Фуқаролик кодекси ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган. Махсус ваколатли давлат органи қонунда белгиланган тартибда суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиб боради. Зарурият бўлганда эса, суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш мақсадида ундан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта соҳасини тартибга солишда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти катта, шунинг учун ендиги фикрларни шу қонун асосидаги бази бир фикрлар билан тўлдирмоқчи бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002-йилнинг 5- апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28-майида амалиётга жорий этилган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус ҳужжат ҳисобланади.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг диққатга сазовор жойларидан яна бири, унинг 10-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, аксиядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган. Аммо узоқ вақт, аниқроғи, 1998-йилнинг биринчи ярмигача суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган давлат суғурта назорати органининг ташкил этилмаганлиги ва илгари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ташкилотларнинг фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмаганлиги оқибатида янги ташкил этилган миллий ва хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта ташкилодарини давлат рўйхатига олишда муаммолар пайдо бўлган.

Суғурта фаолиятидаги юзага келадиган муносабатлари тартибга солишда яна бир муҳим қонун бу, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби ҳисобланади. Чунки мазкур боб суғуртага бағишланган ва ҳозирги кунга қадар амалиётда хорижий инвестицияси

иштирокидаги ва миллий суғурта ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишларида мазкур кодекснинг талаб-қоидаларига қатий риоя этадилар.

Фуқаролик кодексининг суғуртага оид бобида жами 47 та модда мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири суғурта муносабатларининг у ёки бу жиҳатларини тартибга солади. Кодексда ихтиёрий ва мажбурий суғурта, мулкӣ суғурта шартномаси, суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар, мол-мулкни суғурта қилиш, шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш, мажбурий суғурта ва уни амалга ошириш тартиби каби ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

Кодекснинг 916-моддасида суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ✓ ғайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.
- ✓ қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок етишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди.
- ✓ гаровга олинганлари озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида мажбурий суғуртани амалга ошириш тартиби кўрсатилган. Чунончи, мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 24-июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга

ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 141-сонли қарорини келтириш мумкин. Мазкур қарорга мувофиқ транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгиланган. Бундан ташқари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари ҳам мазкур қарор билан тасдиқланган.

Суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузиладиган суғурта шартномасининг шакли ва унинг мазмуни бўйича талаблар Фуқаролик кодексида келтириб ўтилган. Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу талабга риоя етмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полисини топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатлани қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда - биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади. Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси) нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шакллари кўлланишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 929-моддасида суғурта шартномасининг муҳим шартлари кўрсатилган бўлиб, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта ташкилотлари суғурта шартномаларини тузишда мазкур шартларни еътиборга олишлари лозим. Бу шартлар қуйидагилардан иборат:

Мулкый суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

❖ суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулккий манфаат тўғрисида;

❖ юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ходисаси) нинг хусусияти тўғрисида;

❖ суғурта пули миқдори тўғрисида;

❖ суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

❖ шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурталовчилар шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

➤ суғурталанган шахс тўғрисида; суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ходисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

➤ суғурта пули миқдори тўғрисида;

➤ суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

➤ шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида суғурта сири, суғурта пули, суғурта мукофоти ва суғурта бадаллари, суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида меъёрлар қайд етилган.

Қуйида хорижий инвестиция қатнашган суғурта ташкилотлари ва миллий суғурта компаниялари фаолиятини тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Молия вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳақида сўз боради.

Бизга маълумки, суғурта фаолиятини амалга оширишда суғурта захираларини йетарли даражада ва тўғри шакилантириш муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, хорижийлик инвесторлар маблағлари асосида шакиллантилган суғурта ташкилотининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажара олиш қобилияти, айнан, йетарли даражада суғурта захираларини шакллантирилганлиги билан бевосита боғлиқ.

2008-йилнинг 20-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2008-йил 15-декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатига олинган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида ҳужжат амалиётга жорий этилган. Мазкур низомга мувофиқ, хорижмаблағи асосидаги суғурта ташкилотлари қуйидаги суғурта захираларини шакллантиришлари лозим:

- а) ишлаб топилмаган мукофот захираси (умумий суғурта (қайта суғурта қилиш) бўйича фаолиятни амалга оширишда);
- б) мукофотлар захираси (ҳаётни суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);
- д) кейинги йилларда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);
- е) хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси;
- ф) содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси;
- г) суғурта ҳодисасининг юз бериши билан келиб чиқувчи ҳамда суғурта шартномаси шартлари бўйича қопланиши лозим бўлган зарар ҳажмига мувофиқ ҳолда аниқланадиган ва қуйидагилардан таркиб топган зарарлар захираси.

Хорижий инвестиция иштирокидаги суғурталовчилар Давлат суғуртаназорати билан келишилган ҳолда қўшимча равишда:

- ✓ огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини;
- ✓ фалокатлар захирасини;
- ✓ зарарлиликнинг тебраниши захирасини;
- ✓ активларнинг номувофиқлиги захирасини;
- ✓ суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа

турдаги суғурта захираларини ташкил этишлари мумкин.

Айтиш мумкинки, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш деганда тадбиркорлик хавфларини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта ҳимоясини тақдим етиш тушунилади. Мазкур Низом билан белгиланган ягона талаблар бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини тақдим этаётган суғурталовчилар учун мажбурийдир. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари стандарт тушунчалар ва суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандарт шартларидан иборатдир. Суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари, агар қонун ҳужжатларида ёки суғурта шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатишда қўлланилади.

I боб бўйича хулоса:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақиллик йилларда суғурта соҳасида жуда кўп сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Яъни, мустақил суғурта тизими барпо этилди, суғурта соҳасини тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, суғурта ташкилотлари билан кредит муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиги кучайди, суғурта маблағлардан инвестиция мақсадларда фойдаланиш асосида уларнинг молиявий аҳволи яхшилана борди, хорижий суғурта компаниялари билан ҳамкорлик кучайди, улар иштирокида суғурта компаниялари ташкил қилинди.

2. Ҳозирда Республикамизда суғурта компаниялари ривожланиши учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, вақтдан ва имкониятлардан

самарали ҳолда фойдаланишга, хорижий инвестицияларни республика суғурта компанияларига жалб этиш учун мавжуд шарт-шароитлар яратилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Хорижий инвестициялар, қачонки, давлатимизда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, шарт-шароитлар мавжуд бўлсагина бизнинг иқтисодиётимизга йўналтирилади. Яъни мамлакатда қулай инвестиция муҳити яратилганлиги хорижий сармояларни жалб қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, хорижий сармоядорлар учун етарлича шароитлар яратилган ва кафолатлар берилган айта оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015-йил республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари тўғрисида ” 2010-йил 26-ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори суғурта соҳасида ривожлантириш бўйича қуйдаги режалар белгилаб олинди: Жаҳон тажрибаси асосида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳолда лойиҳасини ишлаб чиқиш, суғурта соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлари ўқув-методик ишлар ва илмий- тадқиқот фаолияти сифатини ошириш мақсадида ўқув ва методик ишларни ташкил қилиш ўқув режа ва дастурларни қайтадан кўриб чиқиш, “Ташувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқалар. Кўриниб турибтики мамлакатимиз суғурта бозорининг янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасида қилинаётган ишлар беқиёсдир.

II боб Хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон суғурта тизимига таъсирининг замонавий ҳолати

2.1. Хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон суғурта бозоридаги ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга катта эътибор қаратилиб, инвесторларга қўмаклашиш ва кафолатлар бериш учун уларга инвестиция, солиқ тизимида ва божхона тўловлари соҳаларида маълум имтиёзлар, шароитлар ва кафолатлар тизими шакллантирилди. Бундай тизимнинг таркибий қисми бўлган суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта кафолатини тақдим этиш имкониятини яратди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва аҳолини бахтсиз ҳодисалардан молиявий ҳимоя қилишда суғурта институтининг ўзига хос ўрни бор. Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг суғурта соҳасида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Мисол учун унинг ўртача йиллик ўсиши охириги беш йил давомида 34,1 фоизни ташкил этди. Мамлакат молия бозорида суғурта тизими ўзининг муҳимлиги ва алоҳида аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...бугунги кунда ривожланмаган суғурта тизимисиз хўжалик субъектлари самарали иш юритиши, инвестицион фаолият билан шуғулланиши, кредит олиши мушкулдир”⁸. Шунингдек, молия-банк тизимини ривожлантириш билан бир қаторда суғурта соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан биридир.

Ҳозирги шароитда, яъни иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилашда, давлат, жамият ривожи ва бошқа долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда, барқарор ва мустақил молия бозорида барқарорликни таъминловчи суғурта фаолиятини

⁸ И.А.Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т: Ўзбекистон, 2000. – 354 бет.

илмий ўрганиш, ундан иқтисодий инструмент сифатида фойдаланиш дунёнинг ривожланган мамлакатлари мисолида ўз тасдиғини топди.

Иқтисодий тараққий этган мамлакатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик фуқаролар фақат ўз ҳаётларинигина эмас, балки бутун мол-мулкни, фарзандларининг ҳаётини тўлиқ суғурталагани айни ҳақиқатдир. Улар суғуртани “тинч ҳаёт кечириш учун тўлов” деб талқин этадилар.⁹ Бу ўринда мазкур мамлакатларда суғурта муносабатлари бир неча ўн ва ҳатто юз йиллардан бери ривожланиб келаётганига эътиборни қаратиш лозим.

Суғуртанинг моҳияти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Мустақиллик йиллари суғуртанинг янада ривожланиши учун шундай қулай шароитлар яратилдики, бунинг натижаси ўлароқ, суғурта бозори кескин суръатларда ривожланмоқда.

Суғурта бозорининг тез суръатларда ўсиши молиявий тизимнинг ривожланиши ва жамиятнинг ривожланишга қараб илдамлашида катта аҳамият касб этади.

Суғурта соҳаси ҳар қандай иқтисодий тизимнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксиз боришини таъминлайди ҳамда иқтисодий ривожланишга инвестиция қўйилмаларининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Суғурта мукофотлар тушумининг қитъалар бўйича ўзгариш босқичларини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда 2008 йилги жаҳон молиявий инқирозигача бўлган даврда ривожланиш яққол кўзга ташланади, инқироздан кейинги даврда ўсиш суръатлари бирмунча пасайди. Бундай ўсиш тенденциясини Ўзбекистон суғурта бозори мисолида ҳам кўришимиз мумкин, айниқса, инқирознинг иккинчи йилида (2009 й.) суғурта бозорида энг катта кўрсаткич 166 фоизга ўсишга эришилди. Суғурта мукофотининг

⁹ Т.С. Маликов, Н.Х. Ҳайдаров, Молия: умумдават молияси, Ўқув қўлланма. -Т: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2009, 426-бет.

2009 йилда катта суръатларда ўсиши мажбурий суғуртанинг амалдаги турлари ислоҳ қилинганлиги ҳамда янги турлари жорий этилганлиги туфайли суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми ошганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизациялашда хўжалик субъектлари ва барча иқтисодий жабҳаларнинг хавфсиз фаолият юритишларини таъминловчи омил сифатида миллий суғурта бозорини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Буюк Британияда энг эркин суғурта тизими барпо этилган. Бу ерда ҳаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини ўрнатиш ва суғурта қилиш қоидалари эркинлигига қарамасдан, кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлари эса, паст даражада. Лондон бозорида етакчилик қилувчи Lloyd's суғурта компанияси охирги йиллардаги қийинчиликлардан фақатгина жиддий ташкилий ислохотларни амалга ошириш билан чиқмоқда.

Хорижий капиталга нисбатан қонуний чекловларнинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, немис суғурта бозори нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бу аҳолининг “немислар ўз суғуртачиларини афзал биладилар”, деган дунёқараши билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу ерда агентлар тармоғи жуда зич. 50 мингга яқин агентлар суғурта компанияларида агент бўлиб тўлиқ иш куни ишлашса, тахминан 270 минг киши ўриндошлик асосида фаолият юритади. Агентлар билан мижозлар ўртасидаги муносабат дўстона ва узоқ муддатли асосда шаклланган.

Давлат ҳаётни суғурталашни рағбатлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди ва охирги 10-15 йил ичида Франция ушбу масалада қўшниларидан илгарилаб кетди. Бу соҳадаги асосий тадбирлардан бири сифатида ҳаётни суғурталаш бўйича жиддий солиқ имтиёзлари

берилганини кузатиш мумкин. Ушбу имтиёзлардан биринчиси: суғурта шартномасига кўра, тўланган тўлов фоизларидан солиқ олинмайди. Ушбу имтиёз суғурта шартномасининг муддати бир йил бўлганда амал қилади. Иккинчидан, суғурталовчи вафот этганда, суғурта шартномасига асосан, олинадиган капитал меросидан солиқ тўланмайди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, суғурта бозорини босқичма-босқич ислоҳ қилиш амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтга келиб, суғурта фаолиятини тартибга солувчи амалдаги, умумий, махсус қонунчилик ҳамда қонунга асосланган ва маъмурий - меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олувчи қонунчилик тизими яратилди. Бундай суғурталаш ҳуқуқий тизимининг мавжудлиги республика суғурта бозорини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга асос бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг суғурта қонунчилиги Ўзбекистон ҳудудида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга суғурта ташкилотларини ташкил этишда инвесторларнинг низом сармоясида қатнашиш улушини қаттиқ чегаралашни назарда тутмайди.

2000 йилининг охирига келиб республикада 28 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатди. 2014 йилга келиб, улардан 32 таси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 300 бўлинмаси, шу жумладан, хорижий суғурта бозори вакиллари иштирокида тузилган тўртта суғурта ва брокерлик компанияси иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларининг устувор йўналишлари амалга оширилиши инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва экспортнинг ўсишига кўмаклашишга қаратилган. Бу эса, суғурта компаниялари фаолиятини кенг қамровда ривожлантиришни тақозо этади.

Хусусан, маҳсулот ва хизматлар бозорларида Ўзбекистон экспортчиларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ташкил этилди. Бу суғурта

компанияси миллий экспорт қилувчиларнинг иқтисодий манфаатларини хорижийларда хорижий ҳамкорлар томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятларининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик хатарларидан суғуртавий ҳимоя қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоя сарфлаётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлайди. Сиёсий хатарлардан суғурталаш бўйича халқаро тамойилларга асосланган ҳолда «Ўзбекинвест-интернейшнл» АЖ хорижий инвестицияларни ва савдони суғурталаш соҳаларида ўзининг суғурта хизматларини тақдим этади. Бугунги кунда, бу компания хорижий инвестицияларни қуйидаги сиёсий хатарлардан суғурталамоқда: мулкни мусодара қилишдан; экспроприациядан; мулкдан маҳрум қилишдан ёки миллийлаштиришдан; қўшимча хатарлар сифатида - танловли камситишлардан; активлардан мажбурий маҳрум этилишдан; экспорт - импорт эмбаргосидан; лицензия бекор қилинишидан; уруш ва фуқаролар ғалаёнидан; ҳукумат шартномаси бекор қилинишидан ҳукумат кафолатларининг ноқонуний равишда йўқ қилинишидан ва бошқалардан. Узоқ муддатли хатарларни қоплаш бўйича компания жаҳон суғурта бизнесининг етакчи суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, халқаро молиявий институтлари ҳамда давлат экспорт - кредит агентликлари билан, қисқа муддатли хатарлар бўйича сиёсий хатарларни суғурталовчи хусусий бозор компаниялари билан фаол ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Йирик инвестиция лойиҳаларини қоплаш бўйича қўшма корхонанинг АИҲ (АҚШ) суғурта компанияси ва Ллойдс бозоридаги хусусий компаниялар билан шартномалари бор.

Компания фаолияти давомида қайта суғурталашни кенг йўлга қўйган ҳолда, ташқи савдо шартномалари ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестициялар бўйича умумий ҳисобда 884,76 млн АҚШ доллари миқдорида суғурта ҳимояси тақдим этилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ва ташқи савдо шартномаларини хорижий банклар томонидан ушбу давлатларнинг экспорт-кредит агентликларининг кафолатларисиз молиялаштириш учун қулай шароит яратиш бўйича қўшимча тарзда компания томонидан мақсадли стратегик режа амалга оширилмокда. Хулоса қилиб айтганда, республикамизда хорижий инвестицияларни, умуман, инвестиция фаолиятини суғурталаш механизми яратилди. Мавжуд механизмни янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларга сифатли, арзон ва қулай суғурта хизматларини кўрсатиш миллий ва қўшма суғурта компанияларимизнинг асосий мақсадидир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш ва жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган суғурталаш тизимини яратиш учун:

биринчидан, суғурта бозорида маълумотларнинг очиқ намоён этилиши, яъни суғурталанувчи ва суғурта назорати органларининг суғурта компанияларининг ишончлилиқ даражаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши;

иккинчидан, суғурта компаниялари фаолиятини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, яъни самарали бошқарувни ташкил этиш;

учинчидан, хорижий суғурта институтлари устидан фаол назорат олиб борилиши;

тўртинчидан, хўжалик-молиявий аҳволи ёмон ҳолатда бўлган ёки банкротлик эҳтимоли юқори бўлган суғурта компаниялари билан ишлаш услубларини яратиш;

бешинчидан, суғурта соҳаси бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳимдир.

Хорижий инвесторлари учун зарур молия-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларини ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган хорижий банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги

суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йули билан ҳосил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициясини җимоялаш расмий давлат суғурта агентлиги ҳисобланган суғурталаш тизими ва хорижий суғурта компаниялари иштирокидаги қўшма суғурта компаниялари орқали таъминланади.

Республикамиз суғурта бозоридаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қуйдаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона сиёсатини белгилаш:

– суғурта муносабатларини тартибга солувчи янги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– давлат, ташкилот ва фуқароларнинг мажбурий суғурта соҳасидаги манфаатлари суғурта йўли билан җимояланишини таъминловчи меъёрий ҳуқуқий асосни такомиллаштириш.

2. Суғурта ташкилотларининг тўплаган маблағларини инвестициялашнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш орқали уларни жойлаштириш, амалга ошириладиган суғурта операцияларининг фойда келтиришини ошириш учун қўшимча қафолат яратиш.

3. Суғурта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш.

4. Суғурта соҳасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солиш.

Суғурта хизматларига бўлган ички талабнинг ортиши, суғуртанинг давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши, инфратузилманинг ривожланиши ички бозорда ҳам, хорижий, энг аввало, МДҲ мамлакатлари бозорларида ҳам рақобатлаша оладиган йирик молиявий барқарор қайта суғурта компаниялари пайдо бўлишига имконият яратади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг суғурта компаниялари ташқи бозорларига фаол кириб боришига, бинобарин, республикамизнинг иқтисодиётига инвестиция ресурслари оқиб келишига шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни хорижий инвестициялари тўғрисида. Хорижийлик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар хорижий инвестициялари деб эътироф этилади.

Хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларидан олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фойзалар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ҳамда бошқа шаклдаги мукофотлар реинвестициялар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижийлик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

хорижий давлатлари, хорижий давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

хорижий давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Хорижийлик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Хорижий инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини хорижийларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

Инвестициялар ва хорижий инвесторларнинг таваккалчилигини суғурта қилиш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Хорижий инвесторлар мамлакатнинг ўз инвесторлари билан тенг равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Хорижий инвестицияларини сиёсий ва бошқа хавфлардан суғурта қилиш халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт кредит агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хорижий инвестицияларини суғурта қилишни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хорижий инвестицияларини суғурта қилиш сиёсий ва бошқа хавфлардан, шу жумладан:

мулкнинг экспроприация қилинишини, шунингдек, мулкнинг олиб қўйилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишига, мулк ёки у орқали олинadиган даромадлар устидан назорат қилиш имконияти йўқотилишига олиб келувчи ҳар қандай қонун чиқаришга оид ёки маъмурий чораларни;

хорижий валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказишга чекловлар жорий этилишини;

қонун ҳужжатларига инвесторларнинг айрим гуруҳларига нисбатан камситиш тусидаги ўзгартишлар киритилишини;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг инвесторларнинг шартномавий муносабатларига аралашувини;

урушлар, фуқароларнинг ғалаёнлари ёки бошқа шу каби ҳодисаларни;

хорижийлик инвесторлар ва хорижий инвестициялари билан боғлиқ ўзга турдаги сиёсий ҳамда бошқа хавфларни ўз ичига олувчи хавфлардан суғурта ҳимояси ва кафолатларни таъминлайди

Хорижий инвестицияларини жалб этишни амалга оширувчи органларнинг вазифалари

Хорижий инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳукумат томонидан ваколат берилган орган, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ҳукуматга қарашли бўлмаган манфаатдор ташкилотлар:

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида ахборот тайёрлайдилар ҳамда тарқатадилар;

хорижийлик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқадиладар;

хорижий инвестициялари масалалари бўйича халқаро муносабатларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрадилар;

хорижий инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган бошқа вазифаларни бажарадилар.

2.2.Хорижий инвестицияларнинг суғурта компанияларининг умум иқтисодий-молиявий фаолиятига таъсири таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистоннинг 2013 йил якунлари ва 2014 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишланган Ҳукумат мажлисида “...Бугунга келиб глобал инқирозни келтириб чиқарган чуқур жараёнларни эски восита ва тамойилларни таъмирлаш билан хал қилиб бўлмаслиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Ошиб бораётган давр талаблари кўп томонлама асосда жаҳон молиявий ва банк тизимининг янги таркибини ва назорат ва тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилмода”, деб таъкидлаган¹⁰ⁱ.

Мамлакат Ҳукумати томонидан олиб борилган суғурта индустриясини тартибга солиш сиёсати суғурта бозорини жадал ривожлантириш учун барча зарур шароитларни яратиб беради, унинг ривожланишида яратувчилик жараёнларининг юқори даражасини таъминлайди. Кўрсатиб ўтилган чоралар замонавий, тўлақонли ва рақобатбардош суғурта хизматлари бозорини шакллантирида хал қилувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Респбликаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республиканинг молия-банк тизимини қайта шакллантириш ва барқарорлигини ошириш, юқори халқаро рейтингга эришиш тўғрисида”ги Қарори билан яқин келажакда суғуртанинг ривожланиши асосий устуворликлари аниқлаб берилди.

Мазкур қарорни бажариш мақсадида 2013 йил давомида суғурта фаолиятини тартибга солувчи, суғурта хизматларини сифатини оширувчи, суғуртачиларнинг юқори даражадаги молиявий барқарорлигини таъминловчи, шунингдек суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг халқаро стандартлари ва тамойилларини жорий қилувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил якунлари маърузаси

Суғурта фаолияти устидан давлат бошқарувчи ва назоратининг асосий мақсади суғурта хизмати истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суғурта муносабатларида улар учун ҳаққоний шарт-шароитларни таъминлаш, суғуртачилар ҳуқуқларини бузилиши ҳолатларини истисно қилиш нуқтаи назаридан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Суғуртачлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги суғурта назорати Давлат инспекцияси суғурта хизматлари юқори сифатини таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибда факароларнинг суғурта масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, суғурта маданиятини ва аҳолининг суғурта бўйича маълумотлардан хабардор қилиш тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади, суғуртачилар фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди, шунингдек суғурта бозори инфраструктурасини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини эксплуатация қилувчи иш берувчилар ва ташкилотлар томонидан мажбурий суғурта бўйича қонунчилик томонидан ўрнатилган давлат топшириқнинг бажарилишни назорат қилишнинг амалий механизмини яратиш бўйича ҳукумат топшириғини бажариш мақсадида:

- суғуртачиларнинг мажбурий суғурта бўйича қонун билан белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини, суғуртачилар томонидан кўрсатилган мажбуриятларни бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни назорат қилувчи давлат бошқарув органларига топшириш имкониятини берувчи ҳуқуқий асос яратилди;

- манафатдор вазирлик, бошқарма ва суғурта бозори профессионал қатнашчилари вакилларида ишчи гуруҳ тузилди;


- суғурта қонунчилиги талабларининг бажарилиши устидан зарур назоратни таъминлаш мақсадида, суғуртачилар, Молия вазирлиги ва бошқа назорат органлари ўртасида ахборот алмашинувини амалга ошириш меъёрий ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш учун манафатдор вазирлик,

бошқарма ва суғурта бозори профессионал катнашчилари вакилларида
ишчи гуруҳ тузилди;

– Ўзбекистон суғурта бозори профессионал катнашчилари
Ассоциацияси қошида мониторинг ва иш берувчилар ва хавфли ишлаб
чиқариш объектлари жавобгарлигининг мажбурий суғуртасини ташкил
этиш бўйича доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳ тузилди;

– барча бюджет ташкилотлари ва муассасалари томонидан мажбурий
суғурта тўғрисидаги қонунлар талабларининг тўлиқ бажарилиши
таъминланди.

2012 йилда ихтиёрий суғурта тўловлари 32,1 млрд. сўмни ҳамда
мажбурий суғурта тўловлари 13,9 млрд. сўмни ташкил қилган. Агар ушбу
кўрсаткични 2011 йил маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак,
ихтиёрий суғурта тўловлари ўсиш 32,9 млрд. сўмни ёки 2,4 фоизни
камайдиганлигини ва мажбурий суғурта тўловлари 12,2 млрд. сўмни ёки 113,9
фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин (2-расмга қarang)




**2-расм. Ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш кесимида суғурта
тўловлари ҳажми динамикаси (млрд. сўм)¹¹**

Бироқ, таҳлил этилаётган йилларда ихтиёрий ва мажбурий суғурта
бўйича суғурта тўловлари нотекис ўсиш кўрсаткичлари кузатилган.
Масалан, 2011-2012 йилларда 2010 йилга нисбатан мажбурий суғурта

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил якунлари маърузаси

бўйича суғурта тўловлари тўлашда ўсиш бўлган. Аммо ихтиёрий суғурта тўловларда камайиш намоён бўлган. Албатта, бунинг сабаб кўп омилларга боғлиқ. Биринчидан, жисмоний Бунда 2012 йилда ихтиёрий суғурта бўйича тўланган суғурта қопламаларининг умумий суммаси 32,1 млрд. сўмни ташкил қилди (2011 йил якунларига нисбатан ўсиш суръати – 97,6%). Суғурта тўловларининг энг катта ўсиши иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномалари бўйича кузатилди, бир йилда 12,2 млрд. сўмдан 13,9 млрд сўмгача кўпайиб, – 113,9% ни ташкил қилди.

Расм маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, “Ўзбекинвест”ЭИМСК суғурта мукофотлари ривожлантиришга катта эътибор берилган. Зеро, мазкур компаниянинг республикаимизнинг барча минтақалари ва туманларида филиаллари мавжуд бўлиб, аҳоли кенг қатламига суғурта хизматлари, шу жумладан жисмоний шахслар мулкини суғурталаш хизматларини кўрсатиш имкониятига эга. Таҳлил этилаётган йилларда суғурта мукофотлари ўсиш суръатларини намоён этган. Масалан, 2013 йилда суғурта мукофотлари миқдори 43,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 42,8 млрд.сўмга ёки 101,7 фоизга кўпдир. (3-расмга қаранг).




3-расм. Суғурта мукофотлари динамикаси (млрд.сўм)¹²

¹² “Ўзбекинвест” ЭИМСК маълумотлари асосида қилинди

2013 йилда “Ўзбекинвест” ЭИМСК суғурта мукофотлари динамикаси 43,3 млрд. сўм ташкил қилган. Агар ушбу кўрсаткични 2012 йил маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак, ўсиш 42,8 млн.сўмни ёки 101,7 фоизни ташкил этган.

“Ўзбекинвест” ЭИМСК суғурта тўловлари 2008 йилда 3,2 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса 2013 йилга келиб 26,8 млрд. сўмга етди. Бунга сабаб Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг компанияси Миллий суғурта натижасида 2012 йилга нисбатан тўрт баробарга ошганлигини кўришимиз мумкун. Суғурта тўловлари ошганлики расмда кўриниб турибди. (4-расмга қаранг).



4-расм. Суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўм)¹³

Бунда 2013 йилда суғурта тўловлар динамикаси 26,8 млрд. сўмни ташкил қилди (2011 йил якунларига нисбатан ўсиш суръати – 420,7 %).

2012 йилда тўланган суғурта қопламалари хажми бўйича етакчилар учлигига бозор бўйича тўланган суғурта қопламалари (суғурта тўловлари) нинг 53 фоизидан кўпроғи тўғри келадиган 10,5 млрд. сўм билан СК «ALIA INLHURANL» МЧЖ, 7,5 млрд. сўм билан «Ўзагросуғурта» ДАСК ва 6,3 млрд. сўм билан НКЭИС «Ўзбекинвест» кирдилар.

¹³ “Ўзбекинвест” ЭИМСК маълумотлари асосида қилинди

Суғурта мукофотлари, суғурта тўловлари таркиби ва амалдаги суғурта шартномалари сони бўйича 2011-2012 йил якунлари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан амалдаги суғурта шартномаларининг (74,8%) ва йиғилган суғурта мукофотларининг (72,3%) асосий қисми ихтиёрий суғуртага тўғри келишини кўриш мумкин.

1-жадвал.


Кўрсаткич номи	Суғурта мукофотлари (млрд. сўм)		Суғурта тўловлари (млрд. сўм)		Шартномалар соми (минг. бирлик)		Суғурта мукофотлари зарарлилиги (%)	
	2011	2012	2011	2012	2011	2012	2011	2012
Ихтиёрий суғурта	149,4	206,8	32,4	32,1	4357,8	4599,8	21,7	15,5
Мажбурий суғурта	62,7	79,1	12,1	13,9	1450,1	1532,9	193	17,6

2011-2012 йил якунлари бўйича суғурта мукофотлари, суғурта тўловлари таркиби ва амалдаги суғурта шартномалари сони¹⁴

2012 йил якунлари бўйича амалаги ихтиёрий суғурта мукофотлари 206,8 млрд. сўм ташкил қилди (ўтган йил якунига нисбатан ўсиш – 138,4%).

Мамлакатимиздаги ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш кесимида ихтиёрий суғурта тўловлари ҳажми сезиларли даражада ошиб, унинг ўсиш суръати мустақиллик йилларида илк бор энг юқори, яъни 32,9 млрд. сўм даражани ташкил этди. 2012 йилда ушбу кўрсаткич суръати бироз пасайиб 32,1 млрд. сўм даражада бўлди (5-расмга қаранг).

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил якунлари маърузаси




5-расм.Ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш кесимида суғурта тўловлари ҳажми динамикаси (млрд. сўм)¹⁵

2012 йилда суғуртачилар фаол равишда ўз устав капиталлари ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2011 йил ПҚ-1544 “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини яшада ошириш қўшимча тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан ўрнатилган устав капиталининг минимал ҳажмига бўлган янги талабларга мос ҳолга келтирдилар, натижада мамлакатимиз суғурта бозори капитализацияси анча ўсди.

2012 йил натижаларига кўра барча суғуртачилар устав капиталининг жами ҳажми 289 млрд. сўмни ташкил қилди (ўсиш 2011 йил кўрсаткичига нисбатан 117,7%). Фақат охириги беш йилда кўрсаткич 2,7 марта ўсди (108,6 млрд. сўмдан 289,4 млрд. сўмга ўсди) 6-расмга қаранг)

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил якунлари маърузаси



6-расм. Суғуртачилар устав капиталининг жами ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)¹⁶

2014 йил 1 чорак натижаларига кўра барча суғурта мажбуриятлари жами ҳажми 114 млрд. сўмни ташкил қилди (ўсиш 2013 йил 1 чорак натижаларига нисбатан 114,6%). Жадвалимизда кўриниб турибдики ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг ўсганлигини кўришимиз мумкун. Бу ҳам суғуртага бўлган ишончнинг ошганлигини кўришимиз мумкун. (2-жадвалга қаранг)


2-жадвал

Суғурта мажбуриятлари	2013 йил 1 чорак	2014 йил 1 чорак	Ўзгариш фоиз кўринишида
Ихтиёрий суғурта	104	114	109,1
Мажбурий суғурта, ундан:	28	37	135,1
Транспорт воситалари егаларининг ФЖМС	8	12	135,7
Иш берувчининг ФЖМС	12	17	142
Жами	132	152	114,6

Ўзбекистон Республикаси суғурта мажбуриятлари бўйича 2014 йил 1 чорак якунлари ва 2013 йилнинг тегишли даври билан таққослама МАЪЛУМОТ (млрд. сўм)¹⁷

¹⁶ “Ўзбекинвест” ЭИМСК маълумотлари асосида қилинди

2013 йил 1 чорак натижаларига кўра барча ихтиёрий суғурта 79% ни, мажбурий суғурта эса 21% ни ташкил қилган бўлса, 2014 йил 1 чорак натижаларига кўра барча ихтиёрий суғурта 75% ни, мажбурий суғурта эса 25% ни ташкил қилган, бундан кўриниб турибдики ихтиёрий суғурта 4%га камайган бўлса, мажбурий суғурта эса 4% га ошганлигини кўришимиз мумкун.




7-расм. Ўзбекистон Республикаси суғурта мажбуриятлари бўйича 2014 йил 1 чорак якунлари ва 2013 йилнинг тегишли даври билан таққослама (фоизда)¹⁸

“Ўзбекинвест”ЭИМСК суғурта захиралари ҳажми 2008 йилда 15,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса 2013 йилга келиб 41,9 млрд. сўмга тушурилди.Зарарларни камайтиришдан мақсад даромадларни оширишга қаратилган. (8-расмга қаранг).

¹⁷ www.mf.uz маълумотлари асосида


¹⁸ www.mf.uz маълумотлари асосида



8-расм. Суғурта захиралари ҳажми (млрд.сўм)¹⁹


2013 йил 1 январь ҳолатига республика суғуртачилари активларининг умумий миқдори 607,9 млрд сўми ташкил қилди. Бу аввалги йилнинг айнан шу кўрсаткичидан 25,4% кўп. Ўз (хусусий) капиталининг умумий ҳажми 382,1 млрд. сўми ташкил қилди (ўсиш 118%). Республика суғуртачилари томонидан амалдаги суғурта шартномалари бўйича олинган суғурта мажбуриятларини бажариш учун шакллантирилган суғурта захираларининг умумий ҳажми 243,2 млрд. сўми ташкил қилди (ўсиш 141%) (9-расмга қаранг).

¹⁹ “Ўзбекинвест” ЭИМСК маълумотлари асосида қилинди



9-расм. Суғуртачиларнинг суғурта заҳиралари, ўз капиталлари ва активларининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)²⁰

“Ўзбекинвест” ЭИМСК суғурта компанияси 2012 йилда суғуртачиларнинг жами хорижий инвесторларни комплекс суғурта ҳимояси умумий суммасида – 20160,3 млрд. сўмни (2008 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 2557,1 млрд. сўмни ташкил қилган), (10-расмга қаранг)




10-расм. Хорижий инвесторларни комплекс суғурта ҳимояси (млрд. сўм.)²¹

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил якунлари маърузаси

²¹ “Ўзбекинвест” ЭИМСК маълумотлари асосида қилинди


Суғуртачилар ўз капитали ва суғурта захираларининг сезиларли даражада ўсиши биринчи навбатда уларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтиради, шунингдек инвестиция фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилади. 2012 йил якунлари бўйича республика суғуртачилари инвестицияларининг умумий ҳажми 469,3 млрд. сўмдан ошди. Бу кўрсаткич 2011 йилдагига қараганда 28% кўп. Мазкур кўрсаткичнинг 2007 йил якунларина нисбатан ўсиши 2,2 мартадан ошқоқроқ бўлди (11-расмга қаранг)



11-расм. Суғуртачилар инвестициялари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)²²


2012 йилда суғуртачиларнинг жами инвестиция портфелида инвестицияларнинг умумий суммасида акциялар – 61,6%, Тижорат банклари депозитлари 31,1%, Бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги иштироки ва Корпоратив облигациялар 3,3% (2010 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич акциялар – 62,7%, Тижорат банклари депозитлари 34,4%, Бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги иштироки ва Корпоратив облигациялар 2,9% ташкил қилган) (12-расмга қаранг)

²² www.mf.uz маълумотлари асосида



12-расм. Инвестиция портфелининг таркиби²³

2012 йилда суғуртачиларнинг жами инвестиция портфелида инвестицияларнинг умумий суммасида акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар – 40% (2007 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 58,6%ни ташкил қилган), шунингдек банк депозитлари – 46% (2007 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 34,9%ни ташкил қилган) кўпроқ жой эгаллайди (13-расмга қаранг)



13-расм. 2012 йил якунлари бўйича суғуртачилар инвестицияларининг таркиби (%)²⁴

²³ “Ўзбекинвест” ЭИМСК маълумотлари асосида қилинди

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил якунлари маърузаси


2013 йил 1 чорак натижаларига кўра барча инвестициялар, 2014 йил 1 чоракга келиб 119,9% га етди, бундан кўриниб турибдики 19,9 фоизга ошганлигини кузатишимиз мумкун. Депозитлар 4,4% га ошган, лекин қимматли қоғозлар -1,1% га, Қарзлар -0,2% га, кўчмас мулк -2,1% га ва ташкилотлар истав фондидаги иштироки -1,1% га камйганлигини жадвалдада кўришимиз мумкун. Бошқа инвестициялар 0,1% ошган. (3-жадвал ва –диограммага қаранг)

3-жадвал

Инвестициялар	2013 йил 1 чорак	2014 йил 1 чорак	Ўзгариш фоиз кўринишида
Депозитлар (омонотлар)	214062143,9	281983286,5	131,7
Қимматли қоғозлар	202923649,3	236849855,2	116,7
Қарзлар	5691267,4	5641831,8	99,1
Кўчмас мулк	26851495,6	19874314,6	74,0
Ташкилотлар истав фондидаги иштироки	26225950,8	25381791,1	96,8
Бошқа инвестициялар	3410677,1	4899342,2	143,6
Жами	479165184,1	574630421,4	119,9

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича 2014 йил 1 чорак якунлари ва 2013 йилнинг тегишли даври билан таққослама МАЪЛУМОТ (минг.сўм)²⁵

Бу 3-жадвалниги маълумотларни диограмма асосида ҳам кўришимиз мумкун. Бундан кўриниб турибдики энг кўп улуш депозитларга (омонотларга) кейин эса қимматли қоғозлар улушу, кейинги улушлар кўчмас мулк ва бошқа инвестициялар ташкил қилади



13-расм.Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича 2014 йил 1 чорак якунлари ва 2013 йилнинг тегишли даври билан таққослама (фоиз кўринишида) МАЪЛУМОТ²⁶

²⁵ www.mf.uz маълумотлари асосида

Яқин келажакдаги асосий масалалардан бири бўлиб, компаниянинг худудий бўлинмалари ишчиларининг квалификациясини ошириш ва хизматларни сотиш технологиялари ва бошқа суғурта хизматларини барча суғурта махсулотлари бўйича бўлган билимларини янада шакллантириш масаласи ҳисобланади.

Компания “Суғурта иши” ва “Иқтисодиёт” ёъналишлари бўйича малакалий мутахассиларни тайёрлайдиган муассасалар билан бўлган ҳамкорлигини янада яхшилаб ва мустахкамлаб бормоқда. Тошкент Молия институтида ва Тошкент ахборот технологиялар университетида ҳар йили битирувчилар орасида суғурта йўналишидаги “Енг яхши диплом иши”, “Енг яхши магистрлик диссертацияси” ва “Енг зўр суғурта махсулоти” конкурслари бўлиб ўтади. Пул кўринишидаги совринлардан ташқари, ғолиб бўлган талабага ишга жойлашиш имкони ҳам берилади.

Бундай ихтидорли талабаларда бўлган иштиёқни кучайтириш методлар суғурта соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

2.3 Хорижий инвестицияларнинг суғурта компаниялари асосий фаолиятига таъсири ва ривожланиш тенденциялари

Суғурта ташкилотларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш масаласи бўйича 2011-йилда чоп етилган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015-йилларга мўлжалланган прогнозлари статистик тўплами маълумотларидан кенг фойдаланилди.

2011-2015-йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек,

²⁶ www.mf.uz маълумотлари асосида

транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охириги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 % ини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация етишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб етишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин егаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015-йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация

етиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб етишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий ҳиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, Хорижий инвесторлари учун қўлдошлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қўлай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015-йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб етилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар Хорижий инвестицияси иштирокида ташкил қилинган суғуртачилар фаолиятини ривожлантиришга шу билан бирга энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил етиш бўйича Хорижий инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.


2014 йил 1 январи ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида 32 та суғуртачи рўйхатдан ўтган, улардан 30 таси умумий суғурта тармоғида ва 2 таси ҳаёт суғуртаси тармоғида ўз фаолиятини олиб боради.

2013 йилда суғурта бозори инфраструктурасини, айниқса қишлоқ жойларида, ривожлантириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида суғуртачиларнинг ҳудудий бўлинмалари сони 94 бирликка кўпайди ва 1006 бирликка етди.

Ўзбекистон суғурта бозорида 2 та актуар компанияси, 16 та ассистанс, сюрвейер ва аджастер ташкилотлари, 2 та суғурта брокери, фаолият кўрсатмоқда, суғурта агентларининг умумий сони 7,5 минг бирликка етди, улардан 78 фоизи жисмоний шахслар бўлиб, суғуртачилар штатида 3,6 мингдан ортиқроқ ишчилар меҳнат қилмоқда²⁷.

Ҳисобот даврида суғуртачилар томонидан 286 млрд. сўм суғурта мукофоти йиғилди. Бу 2011 йилдаги даражага нисбатан 135% ўсишни ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич охириги йилларда йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмининг жадал суръатларда ўсаётганлигини акс эттиради.

Умумай 2007-2012 йилларда миллий суғурта бозори сифат жиҳатидан ўзгарди ва ўзининг 135% бўлган ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичини намоён этиб, 74 млрд. дан 286 млрд. сўмгача деярди 4 марта ўсди (14-расмга қаранг).



**14-расм. Суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш динамикаси
(млрд. сўм)²⁸**

²⁷ *Узрпорт.уз маълумотлари асосида*

²⁸ *Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича 2013 йил ҳисоботидан*

Суғурта бозорининг барқарор ривожланиши давлат улуши мавжуд бўлган йирик суғуртачилар (ДАСК «Кафолат» - 141%, НКЭИС «Ўзбекинвест» - 138%, ДАСК «Ўзагросуғурта» - 136%) бизнесининг жадал ўсиши ва нодавлат сектори вакиллари бўлган компанияларнинг («Халқ суғурта» МЧЖ - 277%, «Lug`urta O`z» МЧЖ - 253%, «DD General Inlurance» МЧЖ - 222%, «Alia Inlhuranl» МЧЖ - 149%, «Tranlinlurance plul» МЧЖ - 145%) кучли ривожланиш импулси ҳисобига эришилди.

2012 йилга келиб суғуртанинг мажбурий турларини жорий қилиш ва такомиллаштириш натижасида суғуртачилар портфелидаги мажбурий суғурта улуши 28 фоизни ташкил этди (2007 йилда 4,8 % эди).

Умуман суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта мукофотларини йиғими 126 %га ўсди. Бунда 143 %га тенг бўлган энг катта ўсиш суръати иш берувчининг фуқаролик масъулиятини мажбурий суғуртасига тўғри келди. Бу Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг, шунингдек суғуртачиларнинг мажбурий суғурта билан барча иш берувчилар қамраб олинишини кенгайтириш борасидаги биргаликда олиб борётган ишларининг фаоллашганини кўрсатади.

Ҳаёт суғуртаси бўйича йиғилган мукофотлар ҳажми 1,5 мартадан кўпроқ ўсди, бу эса 2 та суғуртачи - ДХО «Ўзбекинвест Ҳаёт» и СО «Alfa Life» МЧЖ фаолият олиб бораётган сегментнинг анча хали очилмаган салоҳияти (имкониятлари) борлигидан далолат беради.

2012 йилда суғурта бозори камроқ концентрациялашган ҳолга келди. Агар 2007 йилда суғурта мукофотларийиғиш бўйича етакчи бешта суғуртачи ҳиссасига барча йиғилган суғурта мукофотларининг 73 фоизи тўғри келган бўлса, 2012 етакчи бешлик – ДАСК «Ўзагросуғурта», НКЭИС «Ўзбекинвест», «Alia Inlhuranl» МЧЖ, ДАСК «Кафолат» ва СК “Tranlinlurance Plul” МЧЖ ҳиссасига 60 фоизи тўғри келган.

2012 йил якунлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта қопламалари (суғурта тўловлари) ҳажми бўйича республикадаги

етакчи суғуртачиларнинг биринчи ўнлиги маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.


№	Суғурта компаниясининг номи	Суғурта мукофоти		Суғурта тўловлари		
		Бозор улуши (%)	Йиғилган суғурта мукофотлари ва ҳажми (млрд. сўм)	Бозор улуши (%)	Суғурта тўловлари ҳажми (млрд. сўм)	Тўловлар коэффициенти (%)
1	«Ўзгросуғурта» ДАСК	17,7	50,6	16,2	7,5	14,7
2	«Ўзбекинвест» ЭИМСК	15,1	43,1	13,6	63	14,5
3	«Alia inluranl» СК	10,3	29,3	22,9	10,5	35,9
4	«Кафолат» ДАСК	7,3	20,9	4,9	2,2	10,7
5	«Tranlinlurance plul» СК	6,6	18,7	4,9	2,2	12,0
6	«Uvt inlhuranl» ШСК	4,9	14,0	4,4	2,0	14,4
7	«Капитал Суғурта» ОАЖ	4,8	13,6	4,9	2,3	16,7
8	«Алеком» ССК	4,7	13,3	2,3	м	8,0
9	«Темир йўллари» СА	3,9	11,3	0,7	0,3	2,7
10	«Alfa Invelt» ССК	3,8	10,7	3,5	1,6	14,8

2012 йил натижалари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ва ўланган суғурта қопламалари ҳажми бўйича етакчи суғуртачилар²⁹

2012 йил якунлари бўйича амалаги суғурта шартномалари бўйича суғуртачиларнинг суғурта мажбуриятлари жамланма ҳажми 111,2 трлн. сўмдан ортиқроқ суммани ташкил қилди (ўтган йил якунига нисбатан ўсиш – 121,2%).

²⁹ Узрепорт.уз маълумотлари асосида

2007 йилги кўрсаткичга нисбатан амалдаги суғурта шартномалари бўйича суғуртачиларнинг суғурта мажбуриятлари жами ҳажми 3,8 мартадан ортиқроқ ошди (15-расмга қаранг)



15-расм. Олинган суғурта мажбуриятлари динамикаси (трлн сўм)

2012-йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари: 2012- йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестициялар ва савдо вазирлиги ва хорижий компаниялартомонидан жами 7,5 минг тонна сифимга эга бўлган 3 та совутиш камерасини барпо этиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015-йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортигини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қолаверса, Хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурта компаниялар фаолиятини

ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб етилади.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида Хорижий инвестицияларини суғурта ташкилотларига жалб етишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, Хорижийлик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, бошқача қилиб айтганда, фойда олиш еҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга қизиқиши ортмоқда. Бу еса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара, фойда олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида енг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Бу, шубҳасиз, суғуртачиларга жалб етилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтиради.

Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб етишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бораёпти. Чунки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан сармоядорларнинг ўзлари бевосита иштирок етиши ҳисобга олинган ва бунинг учун бизда етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги йетарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган хорижий инвестиция иштирокидаги суғуртачилар фаолияти ривожига хизмат қилади.

Хорижий инвестицияларни миллий суғурта ташкилотларига ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига фаол жалб етишга манфаатдор ҳар қандай давлат ўзининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириб боради. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб етишнинг ўзига ҳос йўналишини,

шунингдек уларни жалб етишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда ва жаҳон тажрибасида хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришда турлича тартиб ва усулларнинг бўлиши кайд етилган. Масалан: миллий тартиб; адолатли ва тенг ҳуқуқлилиқ тартиби; қулай муҳит барпо етиш тартиби; транспарент яъни шаффофлик тартиби ва бошқалар. Шу боис жаҳон амалиётида қўлланилаётган бу каби тартиб ва усулларни қиёсий таҳлил етиш бизнингча мақсадга мувофиқдир.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалиётда синалган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини баҳолашнинг умумлаштирувчи мезонлари ва ҳуқуқий тартибларининг турлича вариантларидан шаклланган объектив қонунлар асосида иқтисодиётни ривожлантириш тажрибаси тўпланган.

Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестициясини махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имкониятини беради. Бу йерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база Хорижий инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил етишда еркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги йенгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

Ғарб мамлакатларида ҳукумат капитал қўйилмаларни фаоллаштириш стратегиясида кўпроқ хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришнинг егри усулидан яъни солиқ, амортизация, молия-кредит сиёсатидан фойдаланишни афзал кўришади. Сўнгги икки ўн йилликда ғарбда инвестиция қарорларини қабул қилишда ва амалга оширишда маҳаллий ҳудудларнинг жавобгарлиги ва роли ошиб бормоқда. Қатор мамлакатларда хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия маҳаллий органлар

хорижий инвестицияларни ва инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда етарлича мустақилликка егадир. Бу йерда инвестиция бозорини мувофиқлаштиришнинг асосий воситаси сифатида даромад солиғи қўлланилади. Бу солиқ ставкасининг ўзгариши суғурта компанияларнинг инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этади.

Умуман сўнгги 20 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда инвестиция фаолияти кенг компютерлаштириш, ресурсларни тежаш, янги замонавий технология, шунингдек маҳаллий ҳокимиятни роли ва жавобгарлигини ошириш асосидаги янги бошқарув тизими асосидаги иқтисодий тузилмалар қайта қуришга йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимиятларга инвестиция дастурларини бошқаришда, экологик сиёсатни юргизишда ва ҳудудий режалаштиришда асосий рол белгиланган. Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, инвестиция дастури ва лойиҳаларининг муваффақиятли амалга ошириши унинг иштирокчилари ўртасида оптимал пропорцияни таъминлашга боғлиқдир.

Давлат ҳам бу жараёнда муҳим ролни ўйнайди, унинг функциясига асосан қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳуқуқий мувофиқлаштиришни таъминлаш, муниципал ташкилотлар билан шартномавий муносабатларни расмийлаштириш;
- моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш учун шароит яратиш, солиқ йенгилликларини ва бошқа молиявий имтиёزلарни белгилаш;
- лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ва унинг ноҳуш оқибатлари (экология бузилиши, ҳудудий ер участкасининг бузилиши ва бошқалар) учун маҳаллий органларнинг жавобгарлигини аниқлаш;
- лойиҳани амалга ошириш учун аҳолини, ижтимоий ташкилотларни жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали лойиҳани ҳаётга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлигини кенг тарғиб этиш.

АҚШ, Бразилия, Хитой, Мексика, Ҳиндистон каби йирик мамлакатларда маҳаллий органларнинг зиммасига жуда улкан вазифалар юклатилган. Айниқса, АҚШ ва Германияда алоҳида ҳудуд ва штатлар

юқори даражадаги мустақилликка ва йирик миқдордаги молиявий ресурсларга ега.

Ривожланган мамлакатларда суғуртачилар учуни инвестиция сиёсатини олиб бориш ўта муҳим масалалардан саналади. Улар доимий равишда ҳар бир суғуртакомпанияси иқтисодий имконияти, ривожланиш даражасини еътиборга олган ҳолда инвестиция сиёсатини олиб боради.

Америка Қўшма Штатларида федерал даражада махсус хорижий инвестицияларни рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилмаган. Суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун тавсия етиладиган барча имтиёз ва йенгилликлар штатлар даражасида ишлаб чиқилган. Бу еса ўз навбатида суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб етиш бўйича штатлар ўртасида еркин рақобатни вужудга келтиради. Ҳар бир 50 штат миллий ва хорижий инвестицияларни суғурта ташкилотларига жалб етиш бўйича ўзининг махсус ишлаб чиққан дастурига ега.

Ҳар бир штат аниқ мақсадга қаратилган хорижий инвестицияларни рақбатлантириш бўйича бир неча ҳил дастурларни ишлаб чиқади. Улар куйидаги мақсадларда бўлиши мумкин: иш жойларини ташкил етиш; штатни ва алоҳида штат ҳудудларининг иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш; замонавий илғор технологияни жорий етиш ва фан техника тараққиёти ютуқларига еришиш ва бошқалар.

АҚШда штатлар миқёсида суғурта компанияларига жалб қилинган хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзлар - бу солиқ имтиёзлари, молиявий ёрдам, инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, ижара ҳақи ва электр тўловларини камайтириш, паст фоизларда кредит шаклида бевосита молиявий ресурслар ажратиш кабилардан иборат.

Ҳар бир штатнинг мустақил инвестиция сиёсатини олиб бориши, еркин рақобатнинг вужудга келишига, шу ҳудуддаги Хорижий инвестицияси иштирокида ташкил қилинган суғурта компанияси ривожланишига ва ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорликнинг тобора юксалишига замин яратади.

Сўнги йилларда қатор мамлакатларда ҳудудни иқтисодий ривожлантириш корпорацияларини ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Бу корпорациялар мазкур ҳудудда жойлашган фирмаларнинг иштирокида махсус фондларни шакллантиради. Бу фонд маблағлари ҳудудда инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилади.

Суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Хорижий инвесторларига турли йенгиллик ва имтиёзларни жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда.

Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестицияларни йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар еса бир вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Хорижий инвестицияларини жалб этиш учун суғуртачилар “солиқ каникули” ва йенгилликлари, корхоналар еса импорт таърифлари бўйича йенгилликлари каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниқса кўпгина еркин иқтисодий зоналарда ташкил етилган корхоналар ва суғурта компанияларига нисбатан бундай йенгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Ҳозирда Хитой ҳукумати мамлакатнинг ички раёнларида жойлашган суғуртачиларга хорижий инвестицияларни жалб этиш учунда уларга узоқ муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳар ҳандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун Хорижий капиталини жалб қилишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларнинг руҳсатисиз ҳаётга татбиқ этишлари мумкин.

Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари Япония, Жанубий Корея, Тайван, Сингапур каби давлатларининг қонунларига кўп жиҳатдан ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, турлича давлатларнинг қонунларида Хорижий

инвесторлари фаолиятига чекланмалар ҳам белгиланган. Деярли барча давлатларда Хорижий капитали киритилиши мумкин бўлмаган тармоқлар мавжуддир. Қатор давлатларда Хорижий инвестициялари учун айрим тармоқлар тўлиқ ёпиқдир.

Хорижий инвесторларнинг фаолияти бўйича чекловларни мувофиқлаштиришда маҳаллий органларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Қатор давлатларда маҳаллий ҳудуддаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хорижий инвесторларнинг фаолиятида турлича чекловларни белгилайди. Масалан, АҚШда айрим штатларда фойдали қазилмаларга Хорижий капиталини жалб етиш ман етилган бўлса, айрим штатларда ер участкасини сотиб олишда чекловлар белгиланган. Бироқ, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина давлатларда ҳудудий инвестиция сиёсатидаги молиявий-иқтисодий имтиёзларнинг ва йенгилликларнинг берилиши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишларига шу билан бирга Хорижий инвестицияси иштирокидаги суғурталовчилар фаолиятини ривожланишига замин яратмоқдалар.

Республикамизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг инвестицион фаолиятдаги фаоллигини ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга Хорижий инвестицияларини жалб етишда бир муҳим мезон бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида суғурта компанияларига ўз маблағларини жойлаштирган инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатини таъминлашнинг қуйидаги усулларида фойдаланилади:

- ✓ миллий қонуниятларнинг Хорижий инвесторларига нисбатан мос меъёрларини қабул қилиш;
- ✓ кўп томонлама шартномаларнинг меъёрларини мувофиқлаштириш;
- ✓ капитал қўйилмаларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича давлатлараро икки томонлама шартномаларни мувофиқлаштириш;
- ✓ аниқ олинган инвестиция лойиҳалари бўйича давлатлараро ва хорижий инвесторлар билан келишувномаларни мувофиқлаштириш.

Республикаларимизда бу қайд қилинган усулларнинг барчасидан фойдаланилади.

Юқорида қайд етганимиздек, республикаларимиз инвестиция фаолиятида маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини ва ролини ошириш ва махсус инвестицияларни рағбатлантиришнинг маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ етишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ҳудудларда инвестицияларнинг манбаси сифатида муниципал ва корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш ва улардан оладиган даромадлар бўйича келиши мумкин.

Суғурта компанияларида Хорижий инвесторлари инвестициялашни ташкил етиш қуйидаги йўналишда бўлгани мақсадга мувофиқдир:

- хорижий инвесторнинг лойиҳани реализация қилишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бошидан охиригача миллий инвесторларнинг улушидан кам бўлмаган миқдорда капитали билан самарали иштирок етишини таъминлаш ва бундай масъулият ва мажбуриятлар меъёрий ҳужжатларда, жумладан шартномада қатъий қилиб белгиланиши ва амал қилиши керак;

- Ўзбекистон шароитида илғор ва замонавий ускуна ва технология еҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвесторларни ўз технологияси ва ускуналарни ўзлаштириш тажрибаларини миллий кадрларга ўргатиш зиммасини юклаш ва уларнинг бундай мажбуриятларни бажаришга манфаатдорлигини ошириш зарур;

- инвесторлар манфаатларининг бир бирига мос келмаслиги, яъни хорижий инвесторларнинг мақсади юқори даражада фойда олиш, ўзбек инвесторлари еса фойда олиш билан бирга илғор технология ва иш тажрибасига ега бўлиш еканлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани реализация қилмасданоқ шартномада томонларнинг улуши ҳандай валютада, қандай ўлчов бирлигида баҳоланиши, фойдани тақсимлаш тартиби аниқ ва қатъий белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий инвестицияли суғуртачилар иқтисодиётини ўрганишдаги хориж тажрибалари қуйидаги ҳолатларга бефарқ бўлмасликни талаб этади:

- ✓ хорижий инвестициялардан олинган даромаднинг катта қисми қайта инвестицияланмай, суғурта компаниянинг хорижий ҳамкор-егалари орасида тақсимланишига;
- ✓ хорижий инвестицияларнинг асосан капитал тез айланадиган соҳаларга киритишга мойиллигига;
- ✓ хорижий инвесторлар ресурсларни бозор инфратузилмаси яхши ривожланган, аҳолиси тўловга қодир бўлган марказлар ҳамда ҳам ашё минтақаларига жойлашга интилади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган сабабларни бартараф етиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал етиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ✓ тез-тез ўзгариб турадиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, солиқ тизими; инвестиция ва кредитларга оид таваккалчиликнинг юқори даражадалиги;

- ✓ инвестицияларни муҳофаза қилиш, маҳсулотларни ажратиш механизмининг барқарорлик даражаси;

- ✓ банк тизимидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги (ички бозорларда пул ресурсларининг танқислиги, улар тузилмаси муддатининг қисқалиги, тўлов ва ҳисоб-китобларнинг йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимларининг инвестиция ва кредитларга оид таваккалчилигини баҳолаш тажрибасининг етишмаслиги кабилар);

- ✓ инфратузилма даражасининг пастлиги (аудит, суғурта, консалтинг, баҳолаш, ҳуқуқий мадад, телекоммуникациялар, транспорт ва меҳмонхона хизмати);

- ✓ фонд бозорининг суст ривожланганлиги, депозит хизматининг номукамаллиги, бозорга тегишли маълумотларнинг етишмаслиги, фонд қимматли буюмларининг паст ликвидлилиги;

- ✓ корхоналарда менежментнинг йўлга қўйилмаганлиги;

✓ еришилган битимларнинг бажармасликка йўл қўйилиши, инвестиция лойиҳаларини келишиш амалиётининг мураккаблиги, ҳисобга олиш тизимининг бухгалтерия ва молия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг халқаро тизимига мувофиқ емаслиги ва бошқаларни санаш мумкин.

Хулоса ўрнида қуйдагиларни айтишимиз мумкин, хорижий инвестицияларни суғурта ташкилотларига жалб етиш мураккаблашган шароитда, жамғармаларни тўплашнинг самарали механизмларидан воз кечмаган ҳолда асосий еътиборни давлатнинг инвестиция ролини кучайтириш асосида ички инвестицияларни фаоллаштириш чоралари тизимини ишлаб чиқишга қаратилиши зарур. Бу ҳолда жамғармаларни инвестицияларга жойлаш каби шартни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Иқтисодий субъектларнинг ўз жамғармаларини инвестицияларга жойлашга мойиллигини қўйилаётган маблағларни қайтариб ололмаслик хавфи ва инвестициялаш оқибатида олинадиган даромад даражаси билан белгиланади.

II боб бўйича хулоса:

Суғурта тўлиқ ишончга асосланган соҳалар қаторига киради. Шунинг учун, суғурта махсулоти сотувчи мутахассислар мижозлар билан мулоқотда бўладилар ва ходимлар юқори малакали бўлишлари талаб қилинади. “Ўзбекинвест” ЭИМСК компанияси кадирлар тайёрлаш, ўқитиш, ўргатиш бўйича самарали тизм йўлга қўйилган. Натижада компанияда ривожланиш узлуксиз шаклда бормоқда. Компаниянинг олдида қўйилган вазифаларни бажаришда кадирлар жамоасининг ғайрати, шижоати ва юксак касбий маҳорати асосий кафолатлардан бири ҳисобланади.

1. Республика миқёсида ташкил қилинган компаниянинг ҳудудий филиалларининг ҳар бири ўзининг ҳудудида суғуртага бўлган мижозлар еҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда, аҳолининг суғурта соҳасига бўлган тушунчасини шакиллантиришда, уларда суғуртага бўлган ишончни оширишда ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Ҳудудий филиаллар тизими,

улардаги ходимларнинг маҳорати, хизмат кўрсатишнинг юқори сифати компаниянинг маҳаллий бозордаги тутган ўрнини мустаҳкамлашга ва миждозлар ишончини қозонишда асос бўлмоқда.

2. “Ўзбекинвест” ЭИМСК компанияси ташкил қилинган вақтидан бошлаб, янгиликларни жорий қилувчи компания сифатида танилган. Янгиликларни жорий қилиш компания маркетинг фаолиятининг турли босқичларида намоён бўлмоқда. Бозор еҳтйёжларига жавоб берадиган, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш компаниянинг бош илғор ғояларидан ҳисобланади. Компания бозорда ўзига муносиб ўринни танлаб олиш ва егаллаб туришга уринмоқда ҳамда еришмоқда.

**III боб. Хорижий инвестиция ва суғурта тизимининг ўзаро
самарадорлигини такомиллаштиришнинг истикболли йўллари**

**3.1. Хорижий инвестиция иштирокида суғурта компанияларининг
илғор жаҳон тажрибаси**

Хорижий инвестицияларнинг нафакат суғурта компанияларига балки иқтисодиётга муваффақиятли жалб қилиниши уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади. Биринчидан, инвестиция қувватини мавжудлиги. Уни табиий, меҳнат захиралари, шунингдек ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади. Иккинчидан, мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга егадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминлаш, экологик, ижтимоий, этнографик ва ижтимоий маданий шароитлар киради. Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги (риски) омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун йетарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Суғуртада инвестиция таваккалчилиги (риски) - ўтиш иқтисодида бўлган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича шароитларни шакллантираётган давлатлар учун рискнинг муҳим турларидан биридир. Шунинг учун ҳам таваккалчиликни, унинг манбаларини ва унинг олдини олиш усуллари аниқлаш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаётий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Суғурта таваккалчилиги маълум бир қарорни қабул қилиш натижасида захираларни йўқотиш имконияти, даромадларни ололмаслик ёки қўшимча харажатлар зарурати сифатида белгилаш мумкин. Таваккалчилик - бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишда

хақиқий шароитлардан озгина чекинилган даромадларни ололмаслик ёки зарарларни пайдо бўлиб қолиши еҳтимолидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатда мавжуд бўлган таваккалчилик омилларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби инвестиция муҳитига биринчи навбатда ана шу омилнинг таъсири кучли бўлади. Таъсир кўрсатиш хусусияти ва пайдо бўлиш манбаларига қараб, омилларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин: сиёсий, макроиқтисодий, микроиқтисодий ва инфратузилмавий.

Сиёсий омилларга:

- ✓ давлат тузумининг барқарорлиги;
- ✓ ривожланган мамлакатларда бўлгани каби инвестор ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайдиган ривожланган қонунчилик асосининг мавжудлиги;
- ✓ инвестицияларни узоқ муддатга жалб қилиш учун шароитларни яратишга йўналтирилган, олдиндан башорат қилиб бўладиган ишончли-иқтисодий сиёсатнинг мавжудлиги;
- ✓ иқтисодий самараси ва изчил тартибга солишни амалга оширувчи давлат органларининг мавжудлиги;
- ✓ маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ахборот ва маълумотларнинг очиклиги ҳамда ўтказилаётган сиёсатнинг ошқоралиги ва бошқалар киради.

Макроиқтисодий омиллар иқтисодиётнинг умумий ҳолатини, унинг ўсиш суръатларини белгилайди ва мамлакат иқтисодий циклининг қайси фазасидалигини аниқлаш ҳамда яқин йиллар ичида бўладиган ўзгаришларни башорат қилиш имконини беради. Омилларнинг бу гуруҳи қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

- ✓ инфляция даражаси;
- ✓ ишсизлик;
- ✓ аҳоли жон бошига ўртача даромад;
- ✓ миллий валютанинг барқарорлиги;

- ✓ давлат бюджетива тўлов балансининг ҳолати;
- ✓ қайта молиялаш ставкаси;
- ✓ даромадларнинг ҳар хил турларига солиқ солиш даражаси.

Бу йерда иқтисодиётнинг ривожланишида тизимларнинг пропорцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ялпи ички маҳсулотда саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт бошқа тармоқларининг нисбий улуши, шунингдек, бу кўрсаткичлар ўзгаришларининг динамикаси.

Капитализацияланиш ёки уни алоҳида сегментларининг ялпи ички маҳсулот ўлчашга нисбати сифатидаги кўрсаткичлар билан аниқланадиган молия бозори ривожланишининг умумий хусусиятларини, молия секторининг, жумладан, тижорат банклари, брокерлик компаниялари, инвестиция банклари ва биржаларнинг ривожланиш даражаси ва суръатларини, иқтисодиётдаги инвестицияларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестицияларнинг улушини ва уларнинг нисбатларини ҳам макроиқтисодий омилларга киритиш мумкин.

Молиявий аҳвол, менежментнинг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва маркетинг сиёсати, миллий иқтисодиётга йирик корхоналарни ривожлантириш истиқболлари макроиқтисодий омилларга киради. Табиийки, бу омиллар фақат миллий бозор сегменти учун сезиларли таъсир кўрсатувчи ҳиллардир. Активлар ва сармоянинг даромадлигига, шунингдек, “сифат” кўрсаткичлари каби омиллар шу гуруҳни хусусиятловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётга жалб қилинганлигига таъсир кўрсатувчи инфратузилмасининг ривожланиш даражаси ва йўналишларини, яъни унинг унсурларини ва шу бозорда қабул қилинган операцияларни амалга ошириш жараёнида улар ўртасидаги муносабат тизимини ўз ичига олади.

Ўзбекистондаги мавжуд инвестиция муҳити, суғурта ташкилотларига инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида Хорижий инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратиш керак. Хорижийлик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг

хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларга мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга караганда қулайлиги нуқтаи назардан баҳолайдилар.

Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқалар), маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати раёнлари, еркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга ега.

Бугунги кунда Республикада суғурталовчиларга муайян даражада Хорижий капиталини қабул қилиш тизими шаклланган. Бунда Хорижий капиталига нисбатан давлат сиёсатини ифода етадиган ҳуқуқий нормалар, қоидалар ва муассасалар мажмуи назарда тутилади. Хорижий капиталини қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг таркибий қисмига киради ва айни пайтда мустақил ҳисобланади, чунки бу тизимни ўзгартириш хусусиятига ега.

Бу тизимнинг элементлари қуйидагилардан иборат:

- Хорижий капитали учун солиқ ва божхона имтиёзларини бериш;
- фойдани бошқа иқтисодиётга ўтказишнинг қулай режими;
- миллийлаштиришдан кафолатлар;
- рўйхатдан ўтказишнинг оддий тартиб қоидалари;
- концессиялар бериш;
- еркин иқтисодий зоналар барпо етиш;
- аксиядорлик капиталида ҳиссани чеклаш;
- мажбурий экспорт квотасини жорий қилиш;
- нархларни назорат қилиш;
- ташқи савдо операцияларини лицензиялаш ва бошқалар.

Республикада яратилган қулай инвестиция муҳитини ривожлантириш учун рағбатлантириш омилларини кучайтириш талаб етилади. Шу муносабат билан суғурта ташкилотларига инвестицияларни рағбатлантириш учун тўла еркинлик бериш керак. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш учун, инвестиция бўйича солиқ кредитларининг турли шаклларида кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Хорижий инвесторлар суғурта компанияларига ўз маблағларини жойлаштиришларида улар учун қулай инвестиция муҳитини ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш бекиёс аҳамиятга эга.

Солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини тўрт жиҳатдан олиб қараш мумкин, улар:

- ✓ солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш;
- ✓ солиқ ставкасини камайтириш;
- ✓ солиққа тортиладиган базани торайтириш;
- ✓ солиқ мажбуриятини бажаришни кечиктириш (солиқ кредити).

Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада Хорижий инвестициялари иштирокидаги суғурта компаниялари учун татбиқ етилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва бир-бирига кириб бориш, Хорижий инвестицияларини миллий иқтисодиётга ва шу билан бирга суғурта ташкилотларига жалб қилиш ҳаётий заруратга айланиб бораётган ҳозирги шароитларда, инвестиция капиталини мамлакатимизга экспорт қиладиган мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш талаб етилади.

Инвестиция муҳитини инвестицияларнинг рискларни баҳолаш асосида Хорижий инвестициялари оқимининг қулайлаштиририлишига хизмат кўрсатиши талаб қилинади. Қабул қилувчи мамлакатнинг инвестиция муҳити Хорижийлик инвесторлар томонидан баҳоланишида, биринчи навбатда, унинг ҳавфсизлиги, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, мамлакатга ҳос рисклар даражаси, инвестицияларни рағбатлантириш

тадбирларига еътибор қаратилади. Консессия шароитлари, экспорт саноати раёнлари, еркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар бевосита Хорижий инвестициялари учун муҳим ҳисобланади. Хорижий инвестицияси иштирокидаги суъгурта компанияларини ташкил қилиш учун ўз мабалағларини қўядиган хорижий инвесторлар учун имтиёзларни назарда тутиш керак.

Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг амал қилишини, шунингдек инвестицияларни инсон капиталига, технологик ўсиш ватехника билимлари соҳаларини ривожлантиришга, кенгайтиришга ҳам жорий қилиш керак. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инвестиция муҳитини моделлаштириш масаласини кун тартибига қўяди. Бу модел хорижий инвесторга таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисида мукаммал маълумот тўплаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни яққол баҳолаш ҳамда Хорижийлик шериклар ҳаракатлари мотивациясини англаш, Хорижий инвестицияларини тартибга солишнинг асосий воситаларини бир ҳил қилиш имкониятларини яратади.

Шундай экан, миллий инвестиция муҳити суғурта соҳасига қизиқиш билдираётган ўз маблағларини шу соҳада копайтириш истагида болган инвесторлар учун қулай ва мақбул бўлиши керак. Бунинг учун жами инвестиция рисклари, ҳавфсизлик, даромадлилик, Хорижий инвестициялари ликвидлиги, инвестициялаш мақсадлари инобатга олиниши зарур ва булар асосида баҳоланиши шарт. Бу борада қулай маҳаллий шароитлар, инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари, консессиялар ташкил етиш, экспорт саноати раёнлари, божхона божлари амал қилмайдиган ва еркин савдо зоналарини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда ўз маблағлари ҳисобидан суғурта соҳасини инвестициялаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратишда улуши юқори бўлган банкларга солиқ имтиёзларини бериш назарда тутилиши керак. Ички кредит манбаларини сафарбар етиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий

сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга ега.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат айрим тизимларни шаклланишига, суғурта соҳасини ривожланишига, янги ҳудудлар ва ишлаб чиқаришни ўсишида бошланғич манбаларини ташкил етилишига ёки ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга еътибор қаратиш лозим. Давлат ҳисобидан инвестицияларни молиялаштиришда, уларнинг стратегик ривожланишда аҳамиятга ега бўлган, лекин келажақда тез самара бера олмайдиган тармоқлар ва илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлашга қаратилиши лозим.

Бутун дунёда давлат маблағлари асосан йўл қурилиши, шаҳар ободончилиги ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланиши каби умумий миқёсдаги ишларга сарфланади. Бозор иқтисодиётининг бозор механизми шароитида давлатнинг роли аста-секин торайиб бориб, давлат миқёси даражасидаги вазифалар қолади. Яъни, ижтимоий соҳанинг бошланғич таълими, соғлиқни сақлашнинг тез тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат бошқаруви ва бошқаларни молиялаштириш бюджет ҳисобида қолади.

Бугунги кунда хорижий инвестиция иштирокидаги суғуртачиларнинг даромадларини солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар берилган бўлсада, менимча, биринчидан, бу солиқ имтиёзларининг муддати, ҳажми, қўлланиш шарт-шароити аниқ кўрсатилган бўлиши, иккинчидан, бу йенгилликлар хорижий инвесторларга яхши таниш ва тушунарли бўлиб, камида беш-ўн йилга белгиланиши, учинчидан, солиқ имтиёзлари ўзгармас ва қатъий бўлиши лозим. Шундагина бу имтиёзлар ўз самарасини бериши мумкин.

Солиқ имтиёзларини беришда жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. АҚШда суғурта компаниялари зарар кўриб ишлаётган даврида солиқ тўлашдан озод қилинади. Бу тажрибани Ўзбекистонда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблайман. Бунинг учун қатъий солиқ назоратини ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон сўмининг еркин алмашадиган валюталарга нисбатан бўлган курсининг пастлигини ҳисобга олиб, хорижий инвесторларнинг соф даромадини тақсимлашда оладиган улушини солиққа тортишни вақтинчалик бекор қилиш, ижобий ўзгаришларга олиб келарди.

Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ўстириш учун капитал қўйиш келажакда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг енг асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу соҳада капитал қўйган инвесторларга солиқ имтиёзларини бериш ўта муҳимдир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амортизация суғурталовчиларларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантирувчи омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли ривожланган давлатларда амортизация нормаси, солиқлар ставкасини тасдиқлаш билан бир вақтда аниқланади. Бундай ҳолатда суғурта тармоқларга инвестицияларни қўйишни рағбатлантириш мақсадида юқори амортизация нормалари белгиланади. Бу тажрибани Ўзбекистонда қўллаш муҳимдир, чунки машина ва ускуналарга ўртача амортизация нормаси бизда 15% ни ташкил еца, АҚШда бу 20-33% ни, Англияда 25% ни ташкил етади.

Ўзбекистон суғурта компанияларига Хорижий инвестицияларини жалб қилишда бевосита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида еътиборни қаратиш лозим. Худудларда тузилмавий қайта қуриш вазифасини ҳал етишда бевосита хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурини амалга ошира бориб еришиш мумкин, чунки бундай бевосита инвестицияларнинг аксарият қисми фақат давлат кафолати остида кириб келаётганлигини ҳаммамизга яхши маълум. Шу сабабли, хорижий инвестицияларни суғурта ташкилорига кенг жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

✓ минтақаларда (жумладан, еркин иқтисодий зоналар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;

- ✓ хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- ✓ барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, еркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- ✓ солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;
- ✓ хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;
- ✓ иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- ✓ биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- ✓ маҳсулот ишлаб чиқарувчи ваҳизмат кўрсатувчи корхона ва суғурта компанияларни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши суғуртачилар вამиллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ҳамда инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради, деб ўйлайман.

3.2.Хорижий инвестиция иштирокида суғурта ташкилоти фаолиятини такомиллаштиришнинг истиқболли йўллари

Суғурта ташкилотларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш масаласи бўйича 2011-йилда чоп етилган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015-йилларга мўлжалланган прогнозлари статистик тўплами маълумотларидан кенг фойдаланилди.

2011-2015-йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодийнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охириги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодийни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 % ини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация етишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб етишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин егаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015-йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация етиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб етишдир. Масалан, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий ҳиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини куриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет ел инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015-йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб етилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар чет ел инвестицияси иштирокида ташкил қилинган суғуртачилар фаолиятини ривожлантиришга шу билан бирга энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини

ташкил етиш бўйича чет ел инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банклари, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб етиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида суғуртачилар фаолиятини ривожлантириш, ўзбек миллий автомагистрالي участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо етиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича , қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобил шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил етиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

2012-йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари: 2012- йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестициялар ва савдо вазирлиги ва хорижий компаниялартомонидан жами 7,5 минг тонна сифимга ега бўлган 3 та совутиш камерасини барпо етиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015-йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил етиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил етади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қолаверса, чет

ел инвестицияси иштирокидаги суғурта компаниялар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб етилади.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида чет ел инвестицияларини суғурта ташкилотларига жалб етишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет еллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, бошқача қилиб айтганда, фойда олиш еҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга қизиқиши ортмоқда. Бу еса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара, фойда олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида енг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Бу, шубҳасиз, суғуртачиларга жалб етилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтиради.

Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб етишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бораёпти. Чунки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан сармоядорларнинг ўзлари бевосита иштирок етиши ҳисобга олинган ва бунинг учун бизда етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги йетарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган хорижий инвестиция иштирокидаги суғуртачилар фаолияти ривожига хизмат қилади.

Хорижий инвестицияларни миллий суғурта ташкилотларига ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига фаол жалб етишга манфаатдор ҳар қандай давлат ўзининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириб боради. Бу сиёсат

хорижий инвестицияларни жалб етишнинг ўзига ҳос йўналишини, шунингдек уларни жалб етишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда ва жаҳон тажрибасида хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришда турлича тартиб ва усулларнинг бўлиши кайд етилган. Масалан: миллий тартиб; адолатли ва тенг ҳуқуқлилиқ тартиби; қулай муҳит барпо етиш тартиби; транспарент яъни шаффофлик тартиби ва бошқалар. Шу боис жаҳон амалиётида қўлланилаётган бу каби тартиб ва усулларни қиёсий таҳлил етиш бизнингча мақсадга мувофиқдир.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалиётда синалган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини баҳолашнинг умумлаштирувчи мезонлари ва ҳуқуқий тартибларининг турлича вариантларидан шаклланган объектив қонунлар асосида иқтисодиётни ривожлантириш тажрибаси тўпланган.

Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестициясини махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имкониятини беради. Бу йерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет ел инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил етишда еркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги йенгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

Ғарб мамлакатларида ҳукумат капитал қўйилмаларни фаоллаштириш стратегиясида кўпроқ хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришнинг егри усулидан яъни солиқ, амортизация, молия-кредит сиёсатидан фойдаланишни афзал кўришади. Сўнгги икки ўн йилликда ғарбда инвестиция қарорларини қабул қилишда ва амалга оширишда маҳаллий ҳудудларнинг жавобгарлиги ва роли ошиб бормоқда. Қатор мамлакатларда

хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия маҳаллий органлар хорижий инвестицияларни ва инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда етарлича мустақилликка эгадир. Бу йерда инвестиция бозорини мувофиқлаштиришнинг асосий воситаси сифатида даромад солиғи қўлланилади. Бу солиқ ставкасининг ўзгариши суғурта компанияларнинг инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этади.

Умуман сўнгги 20 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда инвестиция фаолияти кенг компютерлаштириш, ресурсларни тежаш, янги замонавий технология, шунингдек маҳаллий ҳокимиятнинг роли ва жавобгарлигини ошириш асосидаги янги бошқарув тизими асосидаги иқтисодий тузилмани қайта қуришга йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимиятларга инвестиция дастурларини бошқаришда, экологик сиёсатни юргизишда ва ҳудудий режалаштиришда асосий рол белгиланган. Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, инвестиция дастури ва лойиҳаларининг муваффақиятли амалга ошириши унинг иштирокчилари ўртасида оптимал пропорцияни таъминлашга боғлиқдир.

Давлат ҳам бу жараёнда муҳим ролни ўйнайди, унинг функциясига асосан қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳуқуқий мувофиқлаштиришни таъминлаш, муниципал ташкилотлар билан шартномавий муносабатларни расмийлаштириш;
- моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш учун шароит яратиш, солиқ йенгилликларини ва бошқа молиявий имтиёزلарни белгилаш;
- лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ва унинг ноҳуш оқибатлари (экология бузилиши, ҳудудий ер участкасининг бузилиши ва бошқалар) учун маҳаллий органларнинг жавобгарлигини аниқлаш;
- лойиҳани амалга ошириш учун аҳолини, ижтимоий ташкилотларни жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали лойиҳани ҳаётга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлигини кенг тарғиб этиш.

АҚШ, Бразилия, Хитой, Мексика, Ҳиндистон каби йирик мамлакатларда маҳаллий органларнинг зиммасига жуда улкан вазифалар

юклатилган. Айниқса, АҚШ ва Германияда алоҳида ҳудуд ва штатлар юқори даражадаги мустақилликка ва йирик микдордаги молиявий ресурсларга ега.

Ривожланган мамлакатларда суғуртачилар учунивестиция сиёсатини олиб бориш ўта муҳим масалалардан саналади. Улар доимий равишда ҳар бир суғуртакомпанияси иқтисодий имконияти, ривожланиш даражасини еътиборга олган ҳолда инвестиция сиёсатини олиб боради.

Америка Қўшма Штатларида федерал даражада махсус хорижий инвестицияларни рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилмаган. Суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун тавсия етиладиган барча имтиёз ва йенгилликлар штатлар даражасида ишлаб чиқилган. Бу еса ўз навбатида суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб етиш бўйича штатлар ўртасида еркин рақобатни вужудга келтиради. Ҳар бир 50 штат миллий ва хорижий инвестицияларни суғурта ташкилотларига жалб етиш бўйича ўзининг махсус ишлаб чиққан дастурига ега.

Ҳар бир штат аниқ мақсадга қаратилган хорижий инвестицияларни рақбатлантириш бўйича бир неча ҳил дастурларни ишлаб чиқади. Улар қуйидаги мақсадларда бўлиши мумкин: иш жойларини ташкил етиш; штатни ва алоҳида штат ҳудудларининг иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш; замонавий илғор технологияни жорий етиш ва фан техника тараққиёти ютуқларига еришиш ва бошқалар.

АҚШда штатлар миқёсида суғурта компанияларига жалб қилинган хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзлар - бу солиқ имтиёзлари, молиявий ёрдам, инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, ижара ҳақи ва электр тўловларини камайтириш, паст фоизларда кредит шаклида бевосита молиявий ресурслар ажратиш кабилардан иборат.

Ҳар бир штатнинг мустақил инвестиция сиёсатини олиб бориши, еркин рақобатнинг вужудга келишига, шу ҳудуддаги чет ел инвестицияси

иштирокида ташкил қилинган суғурта компанияси ривожланишига ва ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорликнинг тобора юксалишига замин яратади.

Сўнгги йилларда қатор мамлакатларда ҳудудни иқтисодий ривожлантириш корпорацияларини ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Бу корпорациялар мазкур ҳудудда жойлашган фирмаларнинг иштирокида махсус фондларни шакллантиради. Бу фонд маблағлари ҳудудда инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилади.

Суғурта компанияларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, чет ел инвесторларига турли йенгиллик ва имтиёзларни жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда.

Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестицияларни йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар еса бир вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет ел инвестицияларини жалб этиш учун суғуртачилар “солиқ каникули” ва йенгилликлари, корхоналар еса импорт таърифлари бўйича йенгилликлари каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниқса кўпгина еркин иқтисодий зоналарда ташкил етилган корхоналар ва суғурта компанияларига нисбатан бундай йенгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Ҳозирда Хитой ҳукумати мамлакатнинг ички раёнларида жойлашган суғуртачиларга хорижий инвестицияларни жалб этиш учунда уларга узоқ муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳар ҳандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун чет ел капиталини жалб қилишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларнинг руҳсатисиз ҳаётга татбиқ этишлари мумкин.

Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари Япония, Жанубий Корея, Тайван, Сингапур каби давлатларининг қонунларига кўп жihatдан ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, турлича давлатларнинг қонунларида чет ел инвесторлари фаолиятига чекланмалар ҳам белгиланган. Деярли барча давлатларда чет ел капитали киритилиши мумкин бўлмаган тармоқлар мавжуддир. Қатор давлатларда чет ел инвестициялари учун айрим тармоқлар тўлиқ ёпиқдир.

Хорижий инвесторларнинг фаолияти бўйича чекловларни мувофиқлаштиришда маҳаллий органларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Қатор давлатларда маҳаллий ҳудуддаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хорижий инвесторларнинг фаолиятида турлича чекловларни белгилайди. Масалан, АҚШда айрим штатларда фойдали қазилмаларга чет ел капиталини жалб этиш ман этилган бўлса, айрим штатларда ер участкасини сотиб олишда чекловлар белгиланган. Бироқ, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина давлатларда ҳудудий инвестиция сиёсатидаги молиявий-иқтисодий имтиёзларнинг ва йенгилликларнинг берилиши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишларига шу билан бирга чет ел инвестицияси иштирокидаги суғурталовчилар фаолиятини ривожланишига замин яратмоқдалар.

Республикамизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг инвестицион фаолиятдаги фаоллигини ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга чет ел инвестицияларини жалб этишда бир муҳим мезон бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида суғурта компанияларига ўз маблағларини жойлаштирган инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатини таъминлашнинг қуйидаги усулларида фойдаланилади:

- ✓ миллий қонуниятларнинг чет ел инвесторларига нисбатан мос меъёрларини қабул қилиш;
- ✓ кўп томонлама шартномаларнинг меъёрларини мувофиқлаштириш;

- ✓ капитал қўйилмаларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича давлатлараро икки томонлама шартномаларни мувофиқлаштириш;
- ✓ аниқ олинган инвестиция лойиҳалари бўйича давлатлараро ва хорижий инвесторлар билан келишувномаларни мувофиқлаштириш.

Республикамызда бу қайд қилинган усулларнинг барчасидан фойдаланилади.

Юқорида қайд етганимыздек, республикамыз инвестиция фаолиятида маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини ва ролини ошириш ва махсус инвестицияларни рағбатлантиришнинг маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ етишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ҳудудларда инвестицияларнинг манбаси сифатида муниципал ва корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш ва улардан оладиган даромадлар бўйича келиши мумкин.

Суғурта компанияларида чет ел инвесторлари инвестициялашни ташкил етиш қуйидаги йўналишда бўлгани мақсадга мувофиқдир:

- хорижий инвесторнинг лойиҳани реализация қилишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бошидан охиригача миллий инвесторларнинг улушидан кам бўлмаган миқдорда капитали билан самарали иштирок етишини таъминлаш ва бундай масъулият ва мажбуриятлар меъёрий ҳужжатларда, жумладан шартномада қатъий қилиб белгиланиши ва амал қилиши керак;

- Ўзбекистон шароитида илғор ва замонавий ускуна ва технология еҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвесторларни ўз технологияси ва ускуналарни ўзлаштириш тажрибаларини миллий кадрларга ўргатиш зиммасини юклаш ва уларнинг бундай мажбуриятларни бажаришга манфаатдорлигини ошириш зарур;

- инвесторлар манфаатларининг бир бирига мос келмаслиги, яъни хорижий инвесторларнинг мақсади юқори даражада фойда олиш, ўзбек инвесторлари еса фойда олиш билан бирга илғор технология ва иш тажрибасига ега бўлиш еканлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани

реализация қилмасданок шартномада томонларнинг улуши ҳандай валютада, қандай ўлчов бирлигида баҳоланиши, фойдани тақсимлаш тартиби аниқ ва қатъий белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий инвестицияли суғуртачилар иқтисодиётини ўрганишдаги хориж тажрибалари қуйидаги ҳолатларга бефарқ бўлмасликни талаб этади:

- ✓ хорижий инвестициялардан олинган даромаднинг катта қисми қайта инвестицияланмай, суғурта компаниянинг хорижий ҳамкор-егалари орасида тақсимланишига;
- ✓ хорижий инвестицияларнинг асосан капитал тез айланадиган соҳаларга киритишга мойиллигига;
- ✓ хорижий инвесторлар ресурсларни бозор инфратузилмаси яхши ривожланган, аҳолиси тўловга қодир бўлган марказлар ҳамда ҳом ашё минтақаларига жойлашга интилади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган сабабларни бартараф етиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал етиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ✓ тез-тез ўзгариб турадиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, солиқ тизими; инвестиция ва кредитларга оид таваккалчиликнинг юқори даражадалиги;
- ✓ инвестицияларни муҳофаза қилиш, маҳсулотларни ажратиш механизмининг барқарорлик даражаси;
- ✓ банк тизимидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги (ички бозорларда пул ресурсларининг танқислиги, улар тузилмаси муддатининг қисқалиги, тўлов ва ҳисоб-китобларнинг йўлга қўйилмаганлиги, банк ҳодимларининг инвестиция ва кредитларга оид таваккалчилигини баҳолаш тажрибасининг етишмаслиги кабилар);
- ✓ инфратузилма даражасининг пастлиги (аудит, суғурта, консалтинг, баҳолаш, ҳуқуқий мадад, телекоммуникациялар, транспорт ва меҳмонхона хизмати);

✓ фонд бозорининг сушт ривожланганлиги, депозит хизматининг номукамаллиги, бозорга тегишли маълумотларнинг етишмаслиги, фонд қимматли буюмларининг паст ликвидлилиги;

✓ корхоналарда менежментнинг йўлга қўйилмаганлиги;

✓ еришилган битимларнинг бажармасликка йўл қўйилиши, инвестиция лойиҳаларини келишиш амалиётининг мураккаблиги, ҳисобга олиш тизимининг бухгалтерия ва молия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг халқаро тизимига мувофиқ емаслиги ва бошқаларни санаш мумкин.

Хулоса ўрнида қуйдагиларни айтишимиз мумкин, хорижий инвестицияларни суғурта ташкилотларига жалб етиш мураккаблашган шароитда, жамғармаларни тўплашнинг самарали механизмларидан воз кечмаган ҳолда асосий еътиборни давлатнинг инвестиция ролини кучайтириш асосида ички инвестицияларни фаоллаштириш чоралари тизимини ишлаб чиқишга қаратилиши зарур. Бу ҳолда жамғармаларни инвестицияларга жойлаш каби шартни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Иқтисодий субъектларнинг ўз жамғармаларини инвестицияларга жойлашга мойиллигини қўйилаётган маблағларни қайтариб ололмаслик хавфи ва инвестициялаш оқибатида олинадиган даромад даражаси билан белгиланади.

III боб бўйича хулоса:

1. Бугунги кунда республикамизда ташкил етилган чет ел инвестициялари иштирокидаги суғурта компанияларини солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар берилган бўлиб, бу имтиёзлар ҳақида хорижий инвесторлар яхши танишликларини ва бу имтиёзлар сода тушунарли ҳолда бўлиб, узоқ йилларга ўзгармас ҳолда белгилаб ўрнатилган бўлиб, бу имтиёзлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон солиқ имтиёзларни беришда жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланаётгани бу албатта ижобий натижалар гаровидир.

2. Хорижий инвестицияларни суғрта ташкилорига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириб келинмоқда: Минтақаларда (жумладан, еркин иқтисодий зоналарда) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизimini яратилмоқда, хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйилди, барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, еркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиб борилмоқда, солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалашиб бораётганлиги, хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратилаётганлиги, иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга оширилаётганлиги, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштирилаётгани, биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотилаётганлиги, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотилаётганлигини буғунги кунда кўрмоқдамиз ва бу ишлар натижасида иқтисодиётимиз тармоқларига инвестицияларни кенг жалб қилишга еришилмоқда.

ХУЛОСА

Суғурта бозори ва суғурта мунособатларининг ҳозирги аҳволини ўрганиш, бу соҳада давлатимиз томонидан зарур иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилаётганлигини яъни бу соҳани тартибга солиш мақсадида махсус қонун қабул қилинганлиги, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қатор қарорларининг қабул қилинганлиги суғурта бозорини либераллаштиришга ҳаракат қилинаётганлигидан далолат.

Диссертация ишида суғурта ташкилотларига хорижий инвсетицияларни жалб қилишни такомиллаштириш юзасидан зарур илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Бугунги кунда, суғурта фаолиятига таалукли қоидаларнинг турли ҳуқуқ соҳаларига оид (фуқоролик, маъмурий, молия) қонун ҳужжатларида ифодаланганлиги ва уларни тарқоқ ҳолда еканлиги муайян маънода суғурта фаолияти ривожланишига ҳалал бермоқда ҳамда бу соҳадаги қонун ҳужжатларни татбиқ етишда ҳам мураккаабликлар туғдирмоқда. Фикримизча, ушбу салбий ҳолатни бартараф етишнинг мақбул усулларида бири, бу суғурта фаолияти мунособатларини комплекс ҳолда тартибга солувчи, ягона суғурта кодексининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши деб ўйлаймиз. Унда суғурта фаолиятига оид бўлган оммавий ҳуқуқий қоидалар белгилаб қўйилиши лозим.

Ўтказилаётган тадқиқотлар натижаларига кўра, аҳолининг кўпчилик қисми суғурта хизматларининг аҳамиятини яхши англаб йетмасликлари, суғурта хизматининг имкониятлари ҳақида тўлиқ ҳабардор емасликлари маълум бўлмоқда. Бу еса, суғурта хизматини кўрсатиш соҳасидаги енг асосий муаммо ҳисобланади, чунки, қайси хизмат турига талаб паст бўлса ўша хизмат тури ривожланмайди. Шунинг учун, республикада, суғурта фаолиятини ривожлантириш учун фуқороларнинг суғуртага оид билимларини ошириш юзасидан, суғурта компанияларининг оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот чиқишларини мунтазам

йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун мамлакатимиздаги газета ва журналларда, суғурта идоралари фаолияти билан бўғлиқ мавзулар, суғурта ҳуқуқининг субъектлари бўлмиш суғурта қилдирувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта хизмати кўрсатишнинг ютуқ ва камчиликлари ва суғуртага оид ахборотлар доимий ёритиб борилиши лозим.

Суғурта компанияларида фаолият кўрсатаётган айрим ходимларнинг турли соҳалардан келиб фаолият кўрсатаётганлиги, уларнинг бу соҳани тезда тушуниб, самарали фаолият кўрсатишларига ҳалақит беради ва суғурта бозорининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айрим компанияларда фаолият кўрсатаётган ходимлар турли касб егалари бўлиб, суғурта соҳаси бўйича тегишли маълумотга ега емаслар. Айниқса, суғурта шартномаларини тузишда, суғурталанувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, улар билан шартномалар тузиш каби маъсулиятлар суғурта агенти зиммасида бўлишига қарамай, фаолият кўрсатаётган баъзи суғурта агентлари, ҳатто ўрта махсус маълумотга ҳам ега емаслар. Бу еса, албатта, шартнома ва шартнома юзасидан тўлдирилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатларни тузишда маълум камчиликларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаий назарда нолиб қараганда, суғурта хизматини кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи ходимларнинг таёрловчи билим юртларининг маъсулиятини кучайтириб, шу соҳада хизмат қилувчи кадрларни таёрлашга кўпроқ е`тибор беришимиз лозим.

Суғурта компанияларга хорижий инвестицияларни кириб келиши қўп жиҳатдан инвестицияларни сафарбар етишдан олинадиган фойда меёрига ва банкга қўйилган мақсадли жамғармалар бўйича бериладига фоиз ставкаларига боғлиқ бўлиб, бу омилнинг юқори даражада бўлиши Хорижий капиталининг оқимини таъминлайди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, йирик инвесторлар томонидан суғурта ташкилотларига инвестициялар жуда секинлик билан

қўйилмоқда. Бунга асосий сабаблар сифатида қуйдагиларни кўрсатиш мумкин:

- ❖ телекоммуникация алоқаларининг яхши ривожланмаганлиги;
- ❖ миллий пул бирлигининг хорижий валютага нисбатан курсининг ўзгарувчанлиги ва инфляция даражасининг мавжудлиги;
- ❖ қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи бозорнинг тўлиқ шакилланмаганлиги, кредит тизимида, валютани конвертациялашда ва солиқ тизимининг такомиллашиб кетаётканлиги;
- ❖ Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларида тўғридан - тўғри чиқа олмаслиги;
- ❖ йирик ҳажмдаги капиталларни турли ҳавф-ҳатарларга кафолат берувчи банкларнинг йўқлиги.

1. Ўзбекистон инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва суғурта компанияларига инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида қуйдаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- сўмни қадрини кўтариш ва бунинг асосида банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш;
- солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш;
- маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш ва хорижий инвесторларга нисбатан ижтимоий психалогияни ва фикрлашни ривожлантириш;
- Ўзбекистондаги суғурта компаниялари аксияси нуфузини ва унинг ликвидлигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш.

Хорижий тажрибасидан ва республикадаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, республика ҳудудларида еркин иқтисодий зоналар ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компанияларини барпо этиш жараёни бугунги кунга келиб бировз такомиллаштирилган бўлсада,

лекин у тўлиқ талабга жавоб бермайди. Шунинг учун қуйдаги чоратadbирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- ✓ хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари барпо етиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш;

- ✓ таъсис ҳужжатларида таъсисчиларнинг улушлари, фойдани тақсимлаш тартиби, улушларни ўтказиш муддатлари, кредит олишда кафолатчи шахснинг ким бўлиши каби муаммоларни аниқ баён етилишини назорат қилиниши.

Хорижийлик шериклар томонидан ташкил етилган суғурта ташкилотлари ҳиссаларини ўз вақтида қўйиш мажбуриятларини бажаришда камчиликлар мавжуд. Бу еса ҳиссадорлар ўртасида олинадиган фойдани тақсимлашда ҳам ноаниқликларга олиб келмоқда. Буларни бартараф етиш мақсадида:

- таъсис ҳужжатларида таъсисчилар ўртасида суғурта компанияси очиш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тақсимотини қатъий қилиб белгилаш;

- таъсис ҳужжатларида компания устав фондини шаклланишида хорижий инвесторнинг улуши сифатида замонавий технология ва ускуна, “ноу-хау” ҳуқуқларидан иборат мажбуриятларнинг кўрсатилиши;

- устав фондига фаолият давомида қўйиладиган ҳар бир улуш томонларнинг рухсати билан компания кенгашининг бир овоздан тасдиқланган қарори асосида қўйилиши зарурлиги таъкидланиши.

Хорижий инвестиция иштирокида барпо етилган суғурта компанияларини кредит билан таъминлашда Хорижий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, йирик молия – кредит тизимлари ёки давлат кафолати билан хориж кредитини ушбу компаниялар фаолиятини еркин алмашувчи валютада кредитлашни кенг йўлга қўйиш ва давлат томонидан рағбатлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимача чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

9. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.-528 бет.

10. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

IV. Асосий адабиётлар

11. 19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.

12. Страхование: учебник/Под ред. Проф. Т.А.Федоровой. – СПб.:Магистр , 2008.-768 с.

13. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.

14. Ochilov I., Sultonov D. Sug‘urta hisobi va hisoboti. O‘quv qo‘llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010у. – 224 bet.

15. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “PRINTXPRESS ”, 2010 й. – 208 бет.

16. Самарова Е. Страхования математика: практический курс. Учебное пособие. – М.: “ИНФРА – М ”, 2009 г. – 80 стр.
17. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр ”, 2009 г. – 1006 стр.
18. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 240 стр.
19. Никулина Н. Страховой маркетинг. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА ”, 2009 г. – 503 стр.
20. Никулина Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2008 г. – 511 стр.
21. Сербиновский Б. Страховое дело. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г. – 476 стр.
22. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г. - 751 стр.
23. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, “Бухгалтерский учет, анализ и аудит” / под. ред. В.В.Шахова, Ю.Т. Ахвледиани. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2010 г. - 511 стр.
24. Эркаев Ё.А. Ёзбекистон Республикаси суғурта бозори. Илмий-оммабоп китоб. – Т.: Наврўз, 2013 й. – 304 б.
25. Шеннаев Х.М. Ёзбекистон суғурта бозори. Ёқув кўлланма. – Т.: “Moliya-iqtisod”, 2013 й. – 264 б.
26. Шеннаев Х.М., Баймуратов Т.М. Суғурта иши. Ёқув кўлланма. – “Turon-iqbol”, 2013 й. – 224 б.

V. Қўшимча адабиётлар

27. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.
28. Галаганов В. Основы страхования и страхового дела: учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 224 стр.

29. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: ИКЦ “МарТ”, 2009 г. - 240 стр.

30. Игошин Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2010 г. – 167 стр.

31. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. – М.: Изд. “Окей – книга”, 2010 г. – 176 стр.

32. Кузнецова И. Страхование жизни имущества граждан. Практическое пособие. – М.: “Дашков и К”, 2010 г. – 228 стр.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

33. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового рынка – 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г. С.86-91.

34. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.

35. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г. С.1-2.

36. Мавлонова Н. Аҳоли суғуртаси ривожланмоқда//Бозор, пул ва кредит, 2014 йил, №1, 61-б.

37. Обзор страхового рынка Узбекистана по итогам 2010 года//Бизнес-вестник Востока, №3-4/1 13 января 2011 года. стр.8.

38. Узагросугурта”: страховая защита по всему Узбекистану//Бизнес-вестник Востока, №30, 14 апреля 2011 г. – стр.5.

39. Узбекинвест”: стратегия успешного бизнеса//Бизнес-вестник Востока, №32, 21 апреля 2011 г. –стр.7.

40. Страховая компания “Кафолат”: 14 лет успешного роста// Бизнес-вестник Востока, №29 12 апреля 2011 г. –стр.4.

41. Икромов О.Г., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.

42. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

43. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари

44. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

45. <http://www.UzReport.com> (“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги).

46. <http://www.agros.uz> (“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).

47. <http://www.uzbekinvest.uz> (“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси).

48. <http://www.kafolat.uz> (“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).

49. <http://www.alfainvest.uz> (“Альфа инвест” суғурта компанияси).

50. <http://www.alskom.uz> (“Алском” суғурта компанияси).


51. <http://www.kapitalsugurta.uz> (“Капитал суғурта” суғурта компанияси).

52. <http://www.allinsurance.ru> (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).

53. <http://www.expert.ru> (Россия Федерацияси рейтинг компанияси).

54. <http://www.ankil.ru> (Россия Федерациясининг консалтинг фирмаси).

55. <http://www.znay.ru> (Россия Федерациясининг суғурта сайти).



Суғурта ва инвестицион фаолиятлардан тушган даромадлар
ҳажми динамикаси, (млн.со`м)

№	Компания	Бозордаги улуши
1	Узагросуғурта	19,9%
2	Ўзбекинвест	18,6%
3	Асиа Инсурансе	12,9%
4	Кафолат	9,0%
5	Трансинсурансе Плус	7,6%
6	Капитал Суғурта	5,9%
7	Алском	5,5%
8	Темир Йўл Суғурта	4,8%
9	Ўзбекинвест Ҳаёт	3,1%
10	Агро Инвест Суғурта	1,9%
11	Халқ Суғурта	1,8%
12	Ишонч	1,5%
13	Суғурта уз	1,5%
14	Гросс Инсурансе	1,2%
15	Кафил Суғурта	1,0%
16	Еуроасиа инсурансе	1,0%
17	Аско Восток	0,8%
18	ДД Генерал Инсурансе	0,7%
19	Силк Роад Инсурансе	0,7%
20	Ҳамкор Суғурта	0,4%
21	Мадад	0,3%

Суғурта тўловлари ҳажми бўйича рейтинг

№	Компания	Бозордаги улуши
----------	-----------------	------------------------

1	Асиа Инсурансе	26,8%
2	Узагросуғурта	19,2%
3	Ўзбекинвест	15,9%
4	Ўзбекинвест Ҳаёт	10,9%
5	Кафолат	6,2%
6	Капитал Суғурта	5,7%
7	Трансинсурансе Плус	5,7%
8	Алском	2,7%
9	Агро Инвест Суғурта	2,5%
10	Халқ Суғурта	1,2%
11	Темир Йўл Суғурта	0,8%
12	Ишонч	0,7%
13	Еуроасиа инсурансе	0,5%
14	ДД Генерал Инсурансе	0,4%
15	Суғурта уз	0,3%
16	Силк Рoad Инсурансе	0,2%
17	Аско Восток	0,2%
18	Мадад	0,1%
19	Кафил Суғурта	0,1%
20	Ҳамкор Суғурта	0,1%
21	Гросс Инсурансе	0,0%

Суғурта мажбуриятлари бўйича рейтинг

№	Компания	Бозордаги улуши
---	----------	-----------------

1	Асиа Инсурансе	35,8%
2	Ўзбекинвест	19,2%
3	Ўзагросуғурта	16,5%
4	Кафолат	6,3%
5	Трансинсурансе Плус	5,7%
6	Темир Йўл Суғурта	4,2%
7	Капитал Суғурта	4,1%
8	Алском	2,5%
9	Ишонч	1,2%
10	Гросс Инсурансе	0,8%
11	Суғурта уз	0,8%
12	Еуроасиа инсурансе	0,7%
13	Аско Восток	0,6%
14	Халқ Суғурта	0,4%
15	Агро Инвест Суғурта	0,3%
16	Силк Роад Инсурансе	0,2%
17	Мадад	0,2%
18	Ўзбекинвест Ҳаёт	0,2%
19	Ҳамкор Суғурта	0,2%
20	ДД Генерал Инсурансе	0,1%
21	Кафил Суғурта	0,1%